# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

**50** сон 13 — 19 декабр, 2007 йил


# 2008 йил — Ёшлар йили

**“Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир”...**

**Ислом Каримов**



# ЮКСАК ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Кўплаб тенгдошларим қаторида мен ҳам Туркистон саройида бўлиб ўтган Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этдим. Бир томондан ана шундай тантанали маросимда ёшларнинг бир вакили сифатида қатнашиш кўнглимни фахр-ифтихор туйғусига тўлдирган бўлса, иккинчи тарафдан юртбошимиз томонидан келаётган 2008 йил-“Ёшлар йили” деб эълон қилиниши бутун орзу-умидларим, мақсад ва ниятларимни янада алангалатди, руҳлантирди.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар заъмирида энг аввало ёшларга эътибор масаласи устувордир. Бу эса мамлакатимиз умумий аҳолиси сонининг 17 миллион нафардан ошиқроғи, бошқача айтганда 64 фоизини ташкил этувчи 30 ёшгача бўлган биз-ёшлар жамиятимиз ҳаётида салмоқли ўринда эканлигимиздан далолатдир.

1997 йилдан бери кириб келаётган ҳар бир янги йилни номлаш ва шу ном остида ҳаётимизни янада фаровонлаштириш ишларини маълум дастур асосида кенг кўламда олиб бориш умуммиллий анъанага айланган. Хоҳ у “Ижтимоий ҳимоя йили”, ёки “Соғлом авлод йили” ё бўлмаса “Аёллар”, “Инсон манфаатлари” йиллари бўлсин, буларнинг туб моҳияти ёшларга бориб тақалади. Ўтаётган “Ижтимоий ҳимоя йили” дастурига мувофиқ бизнинг манфаатларимиз таъминланди, ёш оилаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилди. Масалан, эндигина турмуш қурган тенгдошларим, танишларим ўз ёш оилаларининг моддий муаммоларини ечиш, уй-жой сотиб олиш, иморат қуриш, рўзғорларини бутлаш учун тижорат ва ипотека банкларидан имтиёзли кредитлар олишди. Улар ҳозирда давлатимизнинг моддий ва маънавий кўмаги билан оёққа туриб олишиб бахтли ҳаёт кечирмоқдалар. Олий ўқув юртларига шартнома асосида ўқишга қабул қилинган танишларим орасида шу олийгоҳнинг ўзидан имтиёзли кредит олиб ўқишларини давом эттираётганларининг сафи анчагина кенг. Мисол учун укам муддатли ҳарбий хизматни ўтаб имтиёзли балл ёрдамида Тошкент педиатрия ва тиббиёт институтига ўқишга кирди. Бундан ташқари замонавий тусдаги мактаб ва коллежларнинг қурилиши, уларда билим олишга кенг шароит яратиб берилиши, шунингдек олий ўқув юртларидаги ўқув тизими тубдан ислоҳ қилиниши, талабалар турар жойларидаги маиший шароитларнинг яхшиланиши ёшларга яратилаётган кўплаб имкониятлардан айримларидир.

Ўзимдан мисол келтирадиган бўлсам, Сурхондарёдек олис бир вилоятдан келиб Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида таҳсил оламан. Шу олийгоҳга тегишли талабалар турар жойида истиқомат қиламан. Ётоқхонамизда яратиб берилган маиший шароит ҳар биримизнинг кўнглимизни тоғдай кўтаради, миннатдорлик туйғусини уйғотади. Бундай шароитга эга талабалар турар жойлари эса юртимизда кўпайгандан кўпаймоқда.

Давлатимизнинг ёшларга бераётган эътибори ҳақида сўзлашни яна давом эттирадиган бўлсак, шу ўтган йиллар мобайнида таълим билан бир қаторда биз-ёшлар санъат, спорт ишларига кенг жалб этилдик. Жумладан, бир неча йиллардан бери ўтказиб келинаётган “Ниҳол” ва Зулфия мукофоти танловлари, “Янги авлод” ва “Келажак овози” каби кўрик танловлар, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, Универсиада каби спорт мусобақалари ёшлар орасидан минглаб истеъдод эгаларини, спорт юлдузларини кашф этиб, рағбатлантириб келмоқда. Бунда эса айниқса, “Соғлом авлод учун”, “Меҳр нури”, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми”, “Сен ёлғиз эмассан” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси каби давлат ва нодавлат ташкилотлар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ёшларга эътибор масаласини яна бир юксак босқичга кўтаради, десак муболаға бўлмайди. Ёшлар йилида бундан-да улуғроқ, бундан-да шарафлироқ ишлар амалга оширилиши, айниқса ёшларга кенг иш ўринлари яратиб бериш, уларнинг жамият ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш кўзда тутилаётгани биз-ёшлар кўнглида фақатгина миннатдорлик туйғусини уйғотибгина қолмай, бизни давлатимиз, халқимиз томонидан берилган ишончни оқлашга ундайди.

Юртимиздаги 17 миллиондан ошиқроқ ёшларнинг бир вакили, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистри, қолаверса Ватанимизнинг собит ва содиқ фарзанди сифатида яна шуни айтишим мумкинки, “Ёшлар йили” бизларга бўлган эътибор ва ишончнинг янада юксакроқ босқичи сифатида мен ва мен каби ёшлар ҳаётида муҳим ўрин тутади. Биз бу йилда ўзимизга хос ҳаёт йўли, ҳаёт тарзи ва эзгу мақсад-маслакларни кўзлаган ҳолда янада олға интиламиз ва келажак сари мардона қадам ташлаймиз!

**Малоҳат МЎМИНОВА,**
**ЎзМУ журналистика факультети 1-курс магистри.**

*23 декабр—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

# КУЧ—БИРЛИКДА!



- Иқтисодчилик касбини эгаллаганимга 20 йилдан ошди. Дастлаб “Уллибек” хўжалиги қишлоқ аҳлининг “каму кўсти”-ни ўргандим. Уларнинг муаммоларини ечишга қанчалик ҳаракат қилмай, барибир имконлар чегаралангани учун ният-мақсадларимиз ярим йўлда якун топарди. Илгари замонда ҳамма битта банк атрофида айланавериб, иши битса-битарди, бўлмаса йўқ-тарвузи қўлтиғидан тушиб кетаверарди. Бугун-чи!? 16 йил ичида мисли кўрилмаган ютуқларга эришдик. Ўнлаб мустақил банклар халққа хизмат кўрсатаяпти. Мижоз хоҳлаган банкига мурожат қилиши мумкин. Шунингдек ўз таклифи, танқидий фикрларини айтишга ҳаққи бор.

Бизнинг банк ҳам 400дан ортиқ фермерларга, қишлоқ хўжалиги ходимларига, МТП, пахта заводи, нефт маҳсулотлари омбори жамоасига хизмат кўрсатади. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бу ерда мижозларга имтиёзли қарз бериш йўлга қўйилган. Меҳнаткашларнинг узоғини яқин қилиш учун 10 га яқин минибанклар ишга туширилган. Ниятларимиз, режаларимиз эса ҳали кўп... Худо хоҳласа, 23 декабр куни Президент сайловида фаол қатнашиб, ўзимиз танлаган номзоднинг қутлуғ ишларига жўровоз бўлмоқчимиз. Ахир куч — бирликда, дейишади-ку!

**Умрбек МАШАРИПОВ.**
**Қорақалпоғистон Республикаси, “Пахтабанк”нинг Тўрткўл тумани бошлиғи.**

# “КЕЛАЖАК ОВОЗИ”: ҒОЛИБЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Шу йилнинг 27-30 ноябр кунлари Тошкент шаҳрида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган “Келажак овози” Республика ёшлар танловининг сўнгги финал босқичи ўтказилди. Тўрт кун давом этган охирги босқичда республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган 547 та иқтидор соҳиби **“Тасвирий ва амалий санъат”; “Ахборот ва коммуникация технологиялари”; “Рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар”; “Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режалар”; “Архитектура ва дизайн”; “Бадиий ижод ва публицистика”; “Спорт”** каби еттита номинация бўйича беллашдилар.

Улар орасидан танлаб олинган 120 нафар ғолибнинг номи 1 декабр куни эълон қилинди.

Бундан ташқари, жорий йил бошида ЎзЭОАВМА ва Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан “Келажак овози” танловини ёритиш бўйича эълон қилинган танловга ҳам якун ясалди. Унга кўра электрон ОАВ ва босма нашрларда фаолият кўрсатувчи 16 нафар журналист пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

“Келажак овози” танлови ўзининг қамрови билан бугунги кунда миллий лойиҳа мақомини олишга эришди. 2005 йили илк бор ўтказилган мазкур танловда 3 мингга яқин ёшлар иштирок этган бўлса, 2006 йилда уларнинг сони 10 мингдан ошди. Бу йил эса танловда иштирок этмоқчи бўлган ёшлардан жойларда 32 мингдан зиёд ариза қабул қилинди.

Рақобатнинг кучли бўлиши танловни баҳолаш мезони ҳам юқори бўлишига олиб келди. Ёшларнинг доимо ўзларига қулай ва қизиқарли бўлган жойга интилишларини ҳисобга олсак, ушбу танлов ҳақиқатан ҳам ёшларни энг кўп жалб қилаётган йирик лойиҳага айланганини кўриш мумкин. Бунга, албатта, шу йилдан эътиборан танловга “Спорт” номинациясининг киритилиши ҳам сабаб бўлди. Шунингдек, Республика таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мажлисининг қарорига биноан танлов ғолиблари мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига имтиёзли тарзда қабул қилиниши иштирокчи ёшлар учун яна бир муҳим рағбатдир. Бундан ташқари, ғолибларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқилган махсус дастурга биноан, улар учун ҳар йили ёзда ўқув оромгоҳлари ташкил этилади, уларга ихтироларини патентлаштиришда кўмак берилади, ижод намуналари чоп этилади, бир қатор қулайликлардан фойдаланиш имконияти берилади ҳамда улар “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази аъзосига айланишади.

“Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг ёшларга қаратилган қатор лойиҳалари негизида 2006 йилнинг март ойида ташкил этилган бўлиб, бу ерда ёшлар ўзларининг ташаббус ва лойиҳаларини ҳаётга тадбиқ қилишлари мумкин. Айни пайтда Марказ бўлимлари республиканинг барча вилоятларида фаолият кўрсатмоқда. Уларда 5 мингдан зиёд аъзо бўлиб, лойиҳа туфайли ушбу ёшларнинг ўз кучларига бўлган ишончлари ортди ҳамда улар ўз ташаббусларига кўмак олиш имконига эга бўлишди.

**“Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази.**



# ТАҚДИРИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

**Мусаллам ИБРОҲИМОВА - Навоий вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

- Вилоятимиз аҳли кўп миллатли бўлиб, аҳолининг асосий қисмини — ўзбек, рус, қозоқ, қорақалпоқ, туркман халқлари вакиллари ташкил этади. Бундай шароитда раҳбар аҳолининг урф-одатларини, қадриятларини-миллий анъаналарини яхши билиши керак. Акс ҳолда улар билан на гапингиз келишади, на ишингиз юришади. Шу боис ишга келганимнинг дастлабки кунлариданоқ туманлар (бошланғич ва юқори бўғин) хотин-қизлар етакчиларининг феъл-атворини ўргандим. Одамларга "юқоридан нигоҳ ташлайдиганлар" билан суҳбатимиз кескин кечди-хафа бўлганлар ҳам топилди. Аммо оддий фаррошнинг ҳам кўнглидан, ҳаётидан хабардор бўлиш лозимлигини унутишмаяпти.

Биз ўз фаолиятимизда аёллар, қизлар саломатлиги муҳофазасини биринчи ўринга қўйганмиз. Чунки ҳудудимизда давлат аҳамиятига молик саноат корхоналари жойлашган. Аёлларимизнинг кўпчилиги шу ишхоналарда ишлашади. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий маркази, вилоят соғликни сақлаш бошқармаси, Скрининг маркази, репродуктив саломатлик маркази, Саломатлик институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тарғиботчилар гуруҳи аъзолари шу йилнинг май ойида 5та туманда (энг чекка қишлоқларгача бориб) семинар, давра суҳбатлари, учрашувлар уюштирдилар ва 5 мингга яқин оилалар хонадонларида бўлиб, тиббий-ижтимоий патронаж ўтказдилар. Шу жараёнда аёлларга балоғат ёшига етмай турмуш қуришнинг, қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, туғиш учун энг маъқул ёш 20-29 ёш эканлиги, тиббий кўрикнинг аҳамияти, туғруқлар оралигига эътибор бериш лозимлиги ҳақида кўпроқ тўхталдилар.

Бу ўринда маҳалла маслаҳатчилари бизга яқин ёрдамчидир. Уларнинг билим ва ҳаётий тажрибасини ошириш ва оммалаштириш мақсадида барча туман ҳамда шаҳарларда "Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси" кўрик-танлови ўтказилди. Хатирчи туманидаги Қорача ҚФЙга қарашли Усмон Бойиров МФЙ маҳалла маслаҳатчиси Ҳусния Ёрбекова мазкур танловнинг нафақат вилоят босқичида, балки Республикада ҳам ғолибликни қўлга киритди.

Бизнинг камчилигимиз ҳам, ютуғимиз ҳам қўмитамиз нашри бўлган "Тўмарис" газетасида мунтазам ёритилиб турилади. Айниқса, "Аёл ва ҳуқуқ", "Ўз ҳуқуқингизни биласизми?" "Инсон ва қонун", "Сўранг, жавоб берамиз" рукнлари остида чоп этилаётган мақолалар билан хотин-қизларимизга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, ҳар шанба кунлари ҳокимликларда, маҳалла ҳудудларида ўтказиб келинаётган бевосита мулоқотлар ҳам аҳолининг ҳуқуқий онгини оширмоқда. Бу уринишларимиз маълум даражада ноқонуний никоҳлар, оилавий ажралишлар, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасидаги жиноятчиликларнинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Яқинда бир гуруҳ хотин-қизлар фаоллари тажриба алмашиш учун Украина давлатида бўлиб қайтдик. У ерда бутун дунё муаммосига айланган - ОИТС(СПИД)-га қарши тузилган чора-тадбирлар билан танишдик. Николаев вилояти ОИТС марказида шундай касаллик билан касалланган ёш оналарга 18 ой давомида патронаж хизмати кўрсатилиб болани озиқлантириш, уни тўғри парвариш қилиш ва шу даврнинг ўзида онанинг ижтимоий муаммосини ҳал қилган ҳолда профилактик кўмак кўрсатиш йўлга қўйилган экан. Одесса шаҳридаги фоҳишабозлик тижорати билан шуғулланувчи аёллар билан ишловчи "Вера, Надежда, Любовь" нодавлат ташкилотида секс-бизнесни касб қилган аёллар билан ишлашда ҳуқуқ-тартибот ташкилотларининг ҳамкорлиги катта ёрдам берганини айтишди. Николаев шаҳрида эса ОИТС касаллиги билан касалланган болалар учун ташкил этилган "Цветик - само цветик" номли кундузги болалар боғчаси фаолияти билан танишдик. Боғчада 10дан ортиқ кичик ёшдаги болалар тарбияланиб, оналарининг ишлаши учун шароит яратиб берилган.

Бу касалликка чалинганлар бизда бошқа мамлакатлардагичалик кўп бўлмаса-да, афсуски битта-яримта топилади. Шу боис унинг олдини олиш учун вилоятимизда ҳам чора-тадбирлар кўрилган. Айниқса тиббий ўчоқларда, шифохоналарда тиббий асбобларнинг "стерилизация"-си қатъий назоратга олинган. Аҳоли ўртасида ОИТС-дан сақланишнинг йўллари мавзуида тез-тез мулоқотлар олиб борилади. Ачинарлиси-битта одамнинг хатоси, ёмон йўлга юриши кўплаб одамларга бахтсизлик келтириши мумкинлиги, уларнинг касофати туфайли бегуноҳ гўдакларда бу касаллик давом этаётганлигидир. Тиббий асбоблар орқали ОИТС-ни юқтирган айрим юртдошларимиз ҳам ана шундай беайб айбдор бўлиб қолаяптилар. Ундайларга қўни-қўшниларнинг, дўсту-биродарларининг ёрдами зарур.

Яқинда шу масалада Навоий шаҳрида республика миқёсида хотин-қизлар фаоллари, тиббиёт вакилларининг катта йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "аср вабоси"нинг олдини олиш чоралари ишлаб чиқилди.

Менимча, ҳар бир аёл, қизнинг тақдири ўз қўлида. Оёқ-қўли бутун одам борки, ҳаракат қилса, ўз мақсадига етади. Бунга имкон ҳам, шароит ҳам етарли. Фақат ҳафсала бўлса, кифоя!

**Санобар ФАХРИДДИНОВА ёзиб олди.**

*Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»*

## ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

«Ойдин нури» маркази Бухоро вилояти хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Яқинда ҳомийлар кўмагида марказда аёллар учун тикувчилик, пазандалик, компьютер саводхонлиги бўйича бепул ўқув курслари очилди.

**Ўз мухбиримиз**

# УСТОЗ ХОТИРАСИ



Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Атоқли адиб, чинакам халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад вафот этди... Саид Аҳмад йигирманчи аср ўзбек адабиётининг улуғ вакиллари—Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби алломалар яратган мактабни ўзининг теран ва нурли асарлари билан давом эттирди ва бойитди. Фақат адабиёт ривожигагина эмас, умуман, миллий-маънавий қадриятлар хазинасига салмоқли улуш қўшди.

Устоз асарларида ўзбек халқининг содда донишмандлиги, жўмардлиги, сув келса симириб, тош келса кемириб ўтишга қодир сабр-бардоши, бағрикенглиги шу қадар ёрқин тасвирланганки, уларни ўқиганда китоб қаҳрамонларини беихтиёр севиб қоласиз.

Биргина "Келинлар қўзғолони"ни олинг. Бир қарашда ажнабий томошабинга, дейлик америкалик санъат мухлисига ("Келинлар қўзғолони" бошқа мамлакатлар қатори Америка саҳналарида ҳам қўйилган) бир қарашда асар эриш туюлиши мумкин. Нима учун комедиядаги одамлар бири ҳуқуқшунос, бири дўхтир, бири олим бўлатуриб кекса онаси Фармонбиби олдида "хўп бўлади, ойижон!" деб таъзим қилиб туради? Гап шундаки, улар ўзбек! Ўзбекда эса ота-онани беқиёс ҳурмат қилиш удуми бор. Айнан мана шу ҳолат етти ёт бегона халқ вакилида ҳам ўзбекка нисбатан эҳтиром ва меҳр уйғотади. Биргина шунинг ўзи учун миннатдор авлодлар Саид Аҳмад исмли улуғ адиб хотираси олдида бош эгсалар арзийди. Ҳолбуки, Саид Аҳмаднинг бир-биридан теран романлари, гўзал қисса ва ҳикоялари, китобхон қалбини нурга тўлдириб юборадиган дилбар ҳажвиёти бор ва улар аллақачон халқимизнинг маънавий мулкига айланган.

Саид Аҳмад аканинг ҳаёти нуқул байрамлару, гулчамбарлар қуршовида ўтган, десак хато қиламиз. Мен устоз билан кўплаб сафарларда бўлганман. Улуғ адиб қисматида зулматли тунлар оз бўлмаганини, мустабид тузумнинг инсонни таҳқирловчи зулми остида минг бир азобни бошидан кечирганини, туҳмат билан қамоққа олиниб Қозоғистоннинг исми жисмига монанд Бадбахтдала деган саҳросида мис конида қон тупуриб ишлаганини, у ёқда ўзининг азоби етмагандек буёқда фариштадек покиза аёли, атоқли шоира Саида Зуннунова қандай хўрликларга дучор бўлганини эшитганман...

Саид Аҳмаднинг иродаси олдида ҳар қанча таъзим қилса арзийди. Ёзувчи ҳар қандай вазиятда ҳам аламзадалик кўчасига кирмади, халқини чин дилдан севди, меҳр билан тасвирлади. Бунинг учун инсонда битмас ирода ва албатта, ноёб истеъдод бўлиши керак. Устознинг яна бир фазилати—ниҳоятда бағрикенг инсон эди. Албатта ўз устоз ва шогирдлари ҳақида ёзмаган қаламкаш оз. Бироқ ўзбек адабиётида "Йўқотганларим ва топганларим" деганга ўхшаш асар ҳали ёзилгани йўқ. Саид Аҳмад ака ўз устозлари, сафдошлари ва шогирдлари ҳақида шу қадар меҳр билан қалам тебратганки, адибнинг бағрикенглигига қойил қоласиз.

Саид Аҳмад бошқа барча ижодкорлар каби Ватан мустақиллиги орзуси билан яшади, истиқлолга етишга ундовчи асарлар яратди. Бу унинг мустақиллик йилларида ёзган асарларида ҳам яққол кўринади.

Айнан истиқлол туфайли Саид Аҳмад эъзоз ва эҳтиром кўрди. Бир суҳбатда ўзи айтганидек, шўро замонида она шаҳри Тошкентдан қўлига кишан солиб, бегона юртларга бадарға қилинган "халқ душмани" Халқ ёзувчиси унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистон Қаҳрамони деган шарафга лойиқ топилди...

Ҳадиси шарифда ёзилишича ярлақаган бандасидан эзгу амаллар, солиҳ фарзандлар, содиқ шогирд ва яхши китоблар қолар экан. Саид Аҳмад ака ушбу амалларнинг барчасини беками-кўст адо этди. Унинг иккинчи умри—абадиятга дахлдор умри ўз амаллари, ўз асарларида давом этади!

**Ўткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**



**Ҳаёт ҳикматларидан сабоқ берувчи «Оила ва жамият»га обуна бўлишга шошилинг, азизлар!**

## ИБРАТ БЕКАТЛАРИ

# ҲИММАТ

Шаҳноза кеннойи кўп яхши аёллару, аммо ҳар тўкисда бир айб деганларидек игна урарга жой йўқ дастурхонга ҳам бир гап топиб берадилар. Шунинг учунми маҳалладаги қар қандай тўй-маъраканинг баҳоси Шаҳноза кеннойига қай даражада ёқиш-ёқмаслиги билан белгиланади. У кишига ёқишнинг ўзи бўлмайди. Шаҳноза кеннойи ҳар галгидек даврани оғзига қаратиб, замонадан нолиб, арзон-қимматни бир-бирига уриб ўтирарди. Эмишки, дунё дунё бўлиб, бундай қимматчиликни кўрмабди. Қадр-қиммат қолмабди. Яшаш қийин бўлиб қолибди ва ҳокозо ва ҳокоза... Бировлар уни маъқуллар, бировлар индамай ерга қараганча ўтиришарди. Кеннойининг қизлик дугонаси Холида буви ҳам "ҳа, ҳа" деб гапларини бўлмай тинглади-да, савол-жавобга ўтди.

– Бир қараганда гапларингиз тўғрига ўхшайди, Шаҳноза буви,– дедилар Холида буви қиз ўртоғининг саксондан ошса ҳам "буви" сўзини хуш кўрмаслигини билгани ҳолда атайин қитиқ патига тегиб. Ёшликдаги амалдорликнинг таъсирими, ҳамон қариликни тан олмай, сочларини бўятиб, дуррани дол қўйиб ўрайдиган бу замондошининг таманносига маҳалла ўрганиб қолган, у кишини "буви" дейиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Невара-эвараларининг "ойижон", маҳалланинг "кеннойи" дейиши Шаҳноза бувининг ғайрат-шижоатига табиий равишда мос тушганликдан "буви" ўрнига ўтиб олган "кеннойи" ҳеч кимни ажаблантирмасди ҳам. Холида буви унинг нигоҳларига тикилиб туриб, давом этди. – Аммо... Келинг, ўша аммога холислик билан қараб боқайлик-чи, нима бўларкан?

Жамоа ҳушёр тортди. Бунақаси ҳеч бўлмаган эди-да. Кимларнингдир кўнглидан: "уришиб кетишмасин, ишқилиб", деган хавотир ҳам ўтди.

– Сиз билан биз замондошлармиз. Йигирманчи асрнинг биринчи ярмида дунёга келган эдик, мана шукр, йигирма биринчи асрда яшаб турибмиз. Гапни чувалаштириб ўтирмайлик-да, ўзингизнинг никоҳ тўйларингиз билан неварангизнинг тўйини таққослайлик, ҳаммаси равшан бўлади қолади.

Шаҳноза кеннойи Холида буви томон бир ёмон қараб қўйсаларда, ёшликнинг ёрқин, беғубор хотиралари қалбининг аллақайси кўмикларидан ярқ этиб чақнадими, беихтиёр жилмайди.

– Орқангиздаги гилам, манимча Эронники бўлса керак-а?

– Ҳа. Эронники,– янада жонланди Шаҳноза кеннойи,– ўғлим буни мустақилликнинг учинчими, иккинчими йилида ўшағдан обкеган эди.

– Ҳа, – деди Холида буви ҳам овозига урғу бериб.– Ўғлингиз шунгача Тошкентдан остона ҳатлаб бирор мамлакатга бормаган. Ҳозир-чи, эроний гилам камлик қилгандек орқангизга иккита пар ёстиқ тираб олибсиз. Сананг-чи, дастурхондаги ноз-неъматларнинг тури қанча экан? Ўзингизнинг никоҳ тўйингизда эса янгигина лой шувоқдан чиққан, девору шифтидан бўлак жиҳози йўқ уйга келин бўлиб тушгансиз. Ҳозиргидек ёдимда, дастурхонларда туршак, жийда, майиз қўйилган эди. Тошкентни қимматчиликдан, очарчиликдан аввало Аллоҳнинг марҳамати, қолаверса ҳозирги Чилонзордан Бешёғочгача бўлган жойдаги боғлар қутқармадими? Бир ҳовуч буғдой олтин баҳосида эди. Бувижоним раҳматликнинг эшик олдидаги тутларга қараб:-"Болам, энди ўлмаймиз, мана тутларинг оқариб қолибди", деб шукр қилганлари ҳозиргидек ёдимда. Эй, инсонлар, сизлар кўпларинг урушдан кейинги авлодсизлар, сизлар учун бу бир эртакдир, аммо бойвуччамиз Шаҳноза кеннойининг келин саломи, келин куёвга тайёрланган нонушта ҳозиргидек кўз ўнгимда.

Холида буви овозлари титраганча бир неча сония жим қолди-да давом этди:

– Суви чиқиб турган уч-тўрт кесма иржаной нон бўлаги ёғ юқида қотириб олиниб, ликобчага солиб куёвга киритилган. Шунда ҳам ҳеч ким оч қолдик деб йиғламаган, бувиларимиз, кексаларимиз яхши кунларни тилаб: «ўлим-нетим бўлмаса, қўй бир терининг ичида неча озиб, неча семиради, бош омон бўлса, дўппи топилади. Илоҳим бахтли, саодатли кунларга етказсин, имонимизни саломат сақласин, исёнкорлардан қилмасин, қаноатдек буюк бойлигидан қўймасин, тинчлик бўлсин», деб яна қанча чиройли, маънили гапларни айтиб, дуо қилишарди. Биз ҳам ёш эдик, ростдан ҳам кулиб, ўйнасак ўйнайдиган давримиз эди. Аммо Шаҳноза бегим, адашмасам иккитагина чит кўйлагингиз бор эди, бирор марта нолимагандингиз. Балки шу вақтлардаги меҳр-муҳаббат, шукрона эвазига бизга худойим қўша-қўша ўғиллар, қизлар бергандир. Гапираверсак гап кўп. Неча хил сиёсатларни кўрдик. Қурбонлар бердик, қанча ақлли бошлар халқ душмани сифатида кесилиб кетди. Топганимиз ўртада, эркимиз бошқаларнинг қўлида даврларни ҳам бошдан ўтказдик. Мана ҳозир ҳар ўғлингиз ҳар бири бир бек. Бири минган машинани бошқаси минмайди. Машина келиб обкетмаса, ўз оёғингиз билан бошқа бир ўғлингизникига, тўй-маракага бормайсиз... Эй, Шаҳноза пошша, буларнинг шукронасини қачон қиласиз?



Холида буви юрагидан қуйилиб келаётган илҳомдан овозлари рангланиб, товланиб, ўтирганларнинг жон томирларини титратиб-титратиб сўзида давом этарди:

– Америка мустақилликка эришганда мамлакатни тиклагунча бойлари хайрияхоналар очиб қўйиб, етим-есирларни ош-овқат билан таъминлаган. Корейс аёллари мамлакатини ўтиш davridан чиқаришда ўз тақинчоқларини юрт ободончилигига бағишлаган эканлар. Японлар йигирма йиллаб маорифни ривожлантириш учун бир тану бир жон бўлиб курашган, кези келса, ойлик олмай ишлашган экан. Шунинг учун ҳам ривожланиб кетдилар. Биздачи? Ноз-неъматга чўмиб ўтириб, "очмиз" деб уввос соламиз... Уят эмасми? Бу ҳам бир синов–бу синов худонинг бандагагина эмас, банданинг бандага ҳам синовидир. Ўша бизнинг болалигимизда, очлик йилларида ҳамма бир тану бир жон бўлиб, бир майизни қирқ бўлиб ейишарди. Ҳозирчи, оч қўшнисидан балодан қочгандай қочадиган, темир дарвозаларига еттитадан қулф урадиган бойлар пайдо бўлиб қолди. Майли, ҳар кимнинг гуноҳ-савоби ўзига. Бу ҳам бир давр, ўтар кетар. Юзқаролик қолар, деган гаплар бор. Фақат озгина шукр қилишни билиш керак-да, ўртоқ.

–Бўлди-де, жуда ҳам эзиб юбордингиз-ку, эгачи. Ҳамма гапингиз тўғри. Менинг тилим ёмон, тилим,– Шаҳноза кеннойи бойвуччалик билан сир бермай кулгига олиб давом этди. – Биз ҳам биламиз, бу бир синов. Бекорчиликнинг гапини гаплаб, балога қолдик, қўйдик. Тавба қилдик, кечиринг. Ё бўлмасам, гуноҳимга каффорат бўладиган бир нарса денг, ўзимни оқлаб олай.

– Ундай бўлса,– деди жиддийлик билан Холида буви,– маҳалламизнинг камхарж оилалари ҳисобини олиб, кам-кўстидан хабар оласиз. Болаларининг китоб-дафтарларига қарашасиз. Ҳимматингизга қараб ош- нондан ғамхўрлик қилсангиз ҳам ихтиёрингиз.

– Бўпти,– деб юборди Шаҳноза кеннойи даврага кўз югуртирди ва нигоҳи Муслима исмли ўқитувчида тўхтади. – Сиз бу ишда менга ёрдам берасиз. Американликлар қилган ишни биз қилолмас эканмизми? Карислардан бирор жойимиз каммми?

Гапнинг бундай жиддий тус олиб кетишини кутмаган аёллар бир қалқиб, ҳаммалари бошқача бўлиб қолдилар. Жанжал ҳавосида бошланган танбеҳ шундай эзгу томонга бурилиб кетдики, ҳар бир аёл сеҳрланган каби ўзини саховат кафтида ҳис этар, кимгадир яхшилик қилгиси келарди.

Шаҳноза кеннойининг амри билан ўша куни тўй дастурхонидаги барча ноз-неъматлардан халтачаларга солиниб, маҳалладаги эҳтиёжманд хонадонларга тарқатилди. Муслима муаллима эртасигаёқ муҳтож ўқувчиларнинг рўйхатини тузиб, «кеннойи» ойимга келтириб берди. Шаҳноза кеннойининг тадбиркор ўғли мактабга китоб, дафтарлар билан бирга бир неча сидра кийим-кечаклар ҳам ҳадя қилди.

Кимдир бу эзгу ишларни телевизорга олиб чиқиш керак, деган эди, Шаҳноза кеннойи рад жавоби берди:

– Асло. Холида бувидан ўлаўлгунча қутулолмай юрганимдан жимгина ўтирганимиз яхши. Қолаверса, бу савоб иш бировларга кўз-кўзлаш учун эмас, Аллоҳнинг розилиги, расулуллоҳ суннатлари, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши учундир. Ахир бир иморат қурар бўлсангиз ўтиб бораётган қуш ҳам бир чўп ташлаб ўтар экан, мендан ёрдам бўлсин деб. Биз, Холида буви айтмоқчи, одаммиз-ку. Биттагина уй эмас, мустақил Ватанимизни қуряпмиз. Ватанимизнинг олтин боши, унинг фидойи халқи, бошчилари омон бўлсин, ҳаммамизга Аллоҳнинг ўзи инсоф берсин.

Биз ҳам нафақадаги ўқитувчи, Шаҳноза кеннойининг хоҳишларига ва ҳадисларда **"бир қўлинг қилган саховатни иккинчи қўлинг билмасин",** дея марҳамат қилинганига амал қилиб, эзгу ишлар тафсилотини сир тутган ҳолда бошқа бойларга ва миллатимизга сабоқ бўлар, деган ниятда ёзганимиз ушбу ҳикояни муҳтарама Холида бувининг сўзлари билан якунладик.

-Ҳар бир инсон ўзича бир оламдир, мўъжизадир, хазинадир. Жаҳонда фақат ёмонликдан ясалган бирор инсон йўқдир. Биримиз мўл неъматлар, биримиз тақчиллик ичида шукр ва сабримиз синалаётганини тафаккур қилолмагунимизча мўмин бўлолмаймиз. Ким неъматига шукр қилса, хайр саховат қўлини кенг очгувчидир. Ким тақчилликда қаноат, сабр қилолса у олам подшоҳларидан ҳам бойроқдир. Бири бирини қўллай билган одамлар озчилик бўлса-да халқдир, бири бирининг кўзига чўп солган, бири бирини кўролмаган халқ катта халқ бўлса-да оломондир ва у албатта бошқаларнинг қўл остида яшашга маҳкумдир.

Бу гаплар миллатимиз миллат бўлганидан бери тарихдан тарихга, хатдан хатга кўчиб келаётган ҳақиқат. Ҳаётнинг аччиқ-чучигини чунон татиган кекса ҳаётим, шу азиз Ватанга муҳаббатим изни билан ҳар жойда, ҳамиша шу сўзларни айтгим келади. Ўзбегим, ўзингни сева бил, ўзингнинг қадрингга ўзинг ета бил. Султон суягини хўрламас, фақирини хўрлаган хўрланмай қолмас. Фидойи фарзандлари бор элни, раҳбарлари одил элни, бири бирини қўллаган элни Худо қўллар. Шукр, Сабр, Ризо ва Муҳаббат ёримиз бўлса, Саодатга етгувчилардан бўлурмиз, иншааллоҳ.

**Раъно РАҲМОНБЕРДИ қизи**

# ХИЁНАТ БОТҚОҒИГА БОТМАНГ!

Қулоққа чалинган гап



Фарғона шаҳрининг «Автовокзал» шоҳбекатидаги ўриндиқда газета ўқиб ўтиргандим. 45 ёшлардаги бир эркак ва чамаси 42 ёшдаги бир аёл келиб, ўриндиқнинг орқа томонига ўтиришди. Улар менга эътибор беришмади. Суҳбатлари қулоққа чалинди. Бировларнинг гапига қулоқ солиш одобсизлик бўлса-да,беихтиёр эшитдим.

- Машинангиз қани?- дея жилмайиб сўради аёл.

- Навбатим келгунча ҳув анови дарахтнинг олдига қантардим. Бугун эринг ишдами?-деди эркак.

- Йўқ, уйда, кеча сменадан келди. Галварс, пишиллаб ухлаб ётгандир. Эртага ишдан чиқишимдан олдин қўнғироқ қилинг, тўйига бораман, деб баҳона қиламан. - Ишхонадан ҳам жавоб сўрайман. Нима овқат қилиб турай?, - деди аёл.

- Тунов кунги тухумларни қовуриб тур,-деди ҳайдовчи.

- У тухумларни уйга олиб кетгандим...

- Унда ўзинг биласан.

- Эртароқ келинг, ўтган сафар кеч келдингиз... Айш-ишрат бурнимдан чиқди. Уйга борсам,эрим қаёқда юрибсан? - деб бобиллаб берди.

- Машинага йўловчилар тўлиши қийин бўлди, шунинг учун кеч боргандим.

Эркак кимса аёлни сизлаш ўрнига сенсираб гапириши мени таажжубга солди. Улар суҳбатидан яна баъзи маълумотлар менга аён бўлди. 5 йил олдин Андижоннинг Боғишамолига боришганини-ю, бошқа сўлим жойларни айтиб гапиришди. Ҳайдовчининг ўғли Россияга ишга кетгани боис, улар очиқдан-очиқ юрадиган бўлишибди. Илгари ҳайдовчининг ўғли бир-икки марта кўриб қолиб, танбеҳ берса-да, кор қилмабди. Танишбилиш кўриб қолса, қариндошим ёхуд акам дея ёлғон айтишар экан.

Аёлнинг 2 ўғли, бир қизи бор экан. Ўғли мактабни битириб, кетма-кет 2 йилдан буён ўқишга кира олмабди. Ҳозирча бир хусусий кичик корхонада ишга жойлашиб олибди. Қизи мактабда ўқир экан. Дафтар, расм-дафтар, қоғоз керак бўлиб қолибди.

- Шунга пул беринг,-деди аёл.

- Ўтган пайшанба куни 10 минг сўм бердим-ку, ўшандан ишлатиб тур,-дея жавоб қилди эркак.

- Мен билмайман,берасиз дедимми берасиз, - деди аёл.

- Бугун йўловчилар негадир кам, тушум оз, эртага бераман...

- Бўлмаса бирор танишингиздан қарз олинг! Ҳа,айтмоқчи келаси шанба куни дугоналар билан гап-гаштагимиз бор, шунга 20 минг тайёрлаб қўйинг, эшитдингизми? - ҳайдовчи бош ирғаб қўйди. Аёл унинг мўйлабини аста силаб, чўнтагига қўл солди. Ва чўнтагидан бир сиқим пул чиқди. Қора сумкасига пулни солди-ю, мийиғида кулиб қўйди. Шу пайт кимдир навбати келганини айтиб шофёрни чақирди. Шофёр ўрнидан турар экан, темир йўл вокзали яқинидаги Сойбўйида соат 18.00 да кутишини, келишида 2 метр дока олиб келиш эсидан чиқмаслигини қайта-қайта тайинлаб кетди. Аёл эса, “Бўпти, бўпти деяпману”,-деб кўзи беихтиёр менга тушди. Мен ҳам беихтиёр ўша аёлга: «Уят эмасми, шу қилиқларингиз»,-дедим. Аёл эса: «Менинг шахсий ишимга аралашманг, кимсиз ўзи, пошёл”,-дея қулоқ эшитмаган сўзни айтса бўладими?

Қани бу аёлда шарм-ҳаё, иймон, инсоф, виждон? Эрига вафо қилмаган, ўзга ёрга вафо қилармиди? Бегона эркакни авраб, пинжига кириш гуноҳи-азим-ку! “Ғунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди”,- деган нақл бежиз айтилмаган. Ўша аёлнинг эри хиёнатини билиб қолса нима бўлади? Ширин оиласи,турмуши бузилади-ку! Ақалли, фарзандларининг келажагини ўйламайдими? Қулоқдан-қулоққа чалиниб,бир кун шармисор бўлади. Кўза кунда эмас, кунида синади. Ҳозирча ўзга эркак билан дон олишиб юрса, кўрган-билганлар эртага яқинларига: “Бу аёл ахлоқсиз”,- деса нима деган одам бўлади? Ўзига инсоф бермаса қийин экан, банданинг қўлидан ҳеч нарса келмас экан...

Аёлнинг оиласи ўзиники, одоби эса жамиятники. Бир газетада: “Айрим аёллар хиёнат йўлига кириб кетишганида эркаклар қаёққа қараяпти”,- деб ёзилганди. Қонуний никоҳланган эри аҳли аёлининг хиёнатини сезмаса, лоқайд бўлса,назорат қилмаса қаердан билсин? Билганлар лом-мим демаса, мушугини пишт демаса. Хиёнатчи аёлнинг ўзига айтсангиз, бўйнига олмайди. Исбот талаб қилади. Ваҳоланки, юриш-туришларидан, гапларидан хиёнат иси анқиб туради. “Отган эмас, айтган балога қолади”, -дея бежиз айтилмаган. Эрига бир гапни айтсангиз, ширин турмуши - оилага дарз кетади. Шуни ўша аёл наҳотки ўйламаса? Бу калтафаҳмликнинг ўзгинаси-ку! Ўз ор-номусини топтаса, аёл деган муқаддас номга доғ туширса...

Иккинчи томонда ўша ҳайдовчи ўзганинг аёли билан дон олишиб юрса, жазманига мўмай-мўмай пул бериб турса, фарзандларининг ризқини қийган бўлмайдими? Оилада пул етишмаяпти, -деб ўз ўғлини Россияга ишга жўнатиб юборса... Қани мантиқ, қани мард эркаклик ғурури? Диёнат-чи? Ҳа, савол кўп, жавоб оз. Ўша аёлнинг эри ўз хотинига ишонч ҳосил қилганидан яхшироқ тергамайди, шекилли. Русларда бир нақл бор: “Ишонгину, барибир текшир”... Шунга амал қилинса, хиёнатчи аёл ҳеч бўлмаса биттага камаяр эди.

Камина “Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди”, дея ушбу қулоққа чалинган гапларни сизларга, “Оила ва жамият” газетасининг азиз мухлисларига етказдим.

***Азиз газета ихлосмандлари сизлар нима дейсизлар?***

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**Фарғона шаҳри.**

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# ЎЙЛАМАЙ ИШ ТУТДИММИ?..

Эрталаб хонага кўркамгина ҳомиладор бир жувон кириб келди. Сўнг чуқур «уҳ» тортди-да, гап бошлади:

- Исмим Зебо, асли чирчиқликман. Талабалик давримда тошкентлик Жаҳонгир исмли бир йигитга турмушга чиққандим. Аммо, онаси тўйимизга қарши эди.

**- Қаршилик қилишининг бирор сабаби бор эдими?**

- У қариндошининг қизини келин қилмоқчи бўлган экан. Лекин Жаҳонгир ўз айтганида туриб олиб, менга уйланди.

Уларга ёқиш учун туни билан ҳамма ёқни ярақлатиб, уйдагилар тургунича турли ширинликлар пишириб қўярдим.

**- Қайнона-қайнотангиз бундан мамнун бўлишармиди?**

- Қайнотам-ку, ажойиб инсон эди. Қайнонам эса тўмтайгани-тўмтайган эди. Хуллас,шундай ишлардимки, уйдагилар мендан озодароқ келинни топа олишмасин, - дердим.

**- Нега ундай деяпсиз?**

- Орадан тўрт йил ўтса-да, тирноққа зор, кеча-ю кундузи Оллоҳдан биттагина фарзанд бериб, юзимни ёруғ қилишини сўрардим.

- Ана,кўрдингми? -деди қайнонам бир куни ҳаммамиз дастурхон атрофида ўтирсак. -Онангни норози қилиб уйлангандинг, Худойим жазойингни берди. Энди бу билан яна қанча яшамоқчисан? Ёлғиз ўғлимиз бўлсанг! Бир ҳафта ўйлаб кўриб, кейин жавобини айтасан! Бўлар шунча кутганимиз», - деди эримга.

**- У сизни ҳимоя қилмадими?**

- «Бўпти,ойи, ўйлаб кўраман»,-деб чиқиб кетди. Шу куни роса ичиб келди. Кетишимни билардиму, лекин кўз очиб кўрган турмушимдан сира кўнгил уза олмасдим. Эрим менга ҳеч нарса демаган бўлса-да, онасига айтган гапидан адойи тамом бўлдим.

**- Онасига нима деди?**

- «Майли,сиз нима десангиз шу. Ўзингиз ҳал қилинг»,- деди. Қайнонам эса менга қараб,-«Шу бугуноқ кўч-кўронингни кўтариб уйдан чиқиб кет. Эртага судга ариза берамиз. Бир умр набира кутиб яшай олмайман-ку»,-дея гапига нуқта қўйди. «Онам шўрлик бу гапни эшитса қандай чидайди? Бу гапни уйдагиларга қандай қилиб айтаман»,- деб турсам дарвозамиз ёнига машина келиб тўхтагани эшитилди. Уйга отам билан онам кириб келишди. Уларга қайнонам қўнғироқ қилиб ҳаммасини айтган экан. Гарчи отам оғир вазмин одам бўлса-да, ўтириб фотиҳа қилди-да менга қараб: «Қани кетдик, кўчада қолган эмассан. Нарсаларингни йиғиштир»,- деди.

**- Сиз нима қилдингиз?**

- Нимаям қилардим? Йиғлаб-йиғлаб дарвозага қараб юрдим. Менга эримнинг ёнимга тушмагани, бир оғиз кўнглимни сўрамагани алам қиларди. Қайнонам отамга қараб:- «Қуда, энди хафа бўлмайсиз-да, агар боласи бўлганида буни олдингизга солиб берармидим? Кўрмайсизми, тирноққа зор қилди бунингиз бизни»,-деди юзларидан хурсандлиги сезиларкан.

**- Ҳозир ҳомиладорсиз-ку!**

- Ҳамма гап шунда-да, опажон. Мен уйдан ҳайдалганимдан кейин ётиб қолдим. Эримнинг бу қадар манфурлигидан ғазабланардим. Бир оғиз ёмон гапириб, кўнглимни қолдирмаган эрим, ҳамма гапни онасига ташлаб қўйганига куярдим. Бора-бора овқат исига кўнглим айниб, қайт қила бошладим. Орадан уч ой ўтди. Бечора онам касалхонага етаклаб бориб, ошқозонимни текширтирди. Йўқ, ошқозоним соғ экан. Шифокор гинеколог кўригидан ўтишни маслаҳат берди. Шифокор мени УЗИда текшириб кўриб, онамни табриклай кетди.

- Суюнчи беринг, набиралик бўлар экансиз!-дея суюнчи сўради. Бу гапни эшитиб онам қай аҳволга тушди, билмайман. Аммо мен ҳушимдан кетдим. Кейин эримнинг уйидагиларга хабар қилдик. Қайнонам: «Ким билади? Ўғлимдан боласи бўлмаганди-ку! Бирортасини топиб яқинлик қилгандир-да»,- дебди. Шу гапни эшитганимдан буён ўзимни қўярга жой топа олмайман. Ота-онам мени юпатишади. Эрим, қайнона-қайнотам менга ишонишини истардим. Бу туҳматга чидашим қийин бўлаяпти. Қайнонам яқинда холамни кўриб: «Туғсин-чи, ДНК текширувидан ўтказамиз. Ростдан ҳам ўғлимнинг боласи бўлса уйга олиб келамиз»,- деганмиш.

**- Шундай қилишса, эрингиз билан ярашасизми?**

- Тўғрисини айтсам билмайман. Юрагимнинг ярмида нафрат, ярмида эса хавотир бор... Мени, боламни ҳақоратлашди. Қандай қилиб кечирай? Ахир эримнинг уйидан ҳам, отамнинг уйидан ҳам остона ҳатлаб кўчага чиқмаган бўлсам? Ота-онам кўмагида боламни катта қилиб оларман. Лекин унинг тирноғини ҳам уларга кўрсатмоқчи эмасман. Айтинг-чи, шундай қилсам кейинчалик афсусланмасмиканман?

**Зебо! Тўғри, сизни қаттиқ ранжитишибди. Балки, фарзандингиз туғилгач, эрингизникида яшаб кўрарсиз? Ҳар ҳолда фарзандингиз тирик етим бўлиб қолиб, отасидан жудо қилганингизни вояга етганидан кейин юзингизга солмасин.**

* * *

***Азизлар! Бу бизнинг фикримиз эди, сизнингча Зебо қандай йўл тутсин?***

**ГУЛБАШАКАР**

# ЎҚИМИШЛИ ЭКАНСИЗУ...




**“Нега ёмон бўлдим?..”,-44-сон**

**ЭСЛАТМА: Икки нафар фарзандим бор. Эрим вафот этган. У ҳарбий эди. Мен ишламасдим. Эримнинг хизматдоши Акром ака бизга етарлича пул бергани боис болаларим муҳтожлик сезмай ўсишди. Улар энди бизни ёмон кўриб қолишди. Нима қилсам ҳам болаларим учун қилдимку, ёки нотўғри қилганмидим?**

**Муаллиф: Гулбашакар**

Ушбу мақолани қайта-қайта ўқиб чиқиб Наргизага нисбатан ҳам раҳмим келди, ҳам қаҳрим. Чунки, турмуш ўртоғи ўз хизмат бурчини бажариш чоғида фожеали ҳалок бўлибди. Бундай кўргулик ҳар қандай одамни ҳам саросимага солиши аниқ. Наргизахон, турмуш ўртоғингиз вафот этган бўлса, давлатимиз томонидан боқувчисини йўқотган, вояга етмаган фарзандларингизга нафақа тайинланиши керак эди-ку? Наҳотки учта фарзандингиз учун ҳам нафақа тайинланмаган бўлса? Ўқимишли экансиз, ўз ҳақ-ҳуқуқингизни билмайсизми?

“Майор Акромжон айни муҳтож пайтимизда келиб ёрдам бериб турди”, дебсиз, албатта бу яхши. Лекин, бу “ҳотамтой дўст” холисанилло ёрдам бермаётганлиги болаларингизга аён бўлмаса ҳам, сизга аён эди-ку. Наҳотки шайтон вас-васасига учиб шундай номаъқул ишлар қилишга бориб етгансизлар? Ҳар бир маҳаллада кўпни кўрган онахону-отахонлар бор. Шулар олдига чиқиб, ўз ниятларингизни баён қилсангиз бўларди-ку. Катталар сизларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб, фарзандларингизга насиҳат қилиб, уларни йўлга соларди. Қўни-қўшни, маҳалла билгандан кейин, никоҳдан ўтиб ҳалол яшашга нима етсин. Сиз каби тақдирнинг синовига дучор бўлган бир аёл ҳақида гапирмоқчиман:

Эргашжон тоғам ниҳоятда меҳрибон, махаллада, қариндошлар ичида катта обрўга эга эди. Келинойим Нуринисо (иккаласини ҳам Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин) билан ниҳоятда аҳил-инок яшаб келишар эди. Тоғам 1970 йил июль ойида ишдан қайтаётиб қўшнисиникида бўлаётган жанжал устидан чиқади. Кириш-кирмаслигини билмай иккиланиб турганда қўшнининг уйидан укаси чиқиб: “Жон акажон, уйимизда яна жанжал бўлаяпти. Сиздан бошқага акам қулоқ солмайди, кириб тинчитинг”, -деб ялинган. Тоғам: “Йўқ, кирмайман”, -деб уйи томон юрган-у, яна кўнгли бўлмай орқага қайтган. Тоғам қўшнининг эшигини очиб ҳовли ичкарисига кирганда, ҳовлида турган қўшнининг ўғли: “Келманг Эргаш ака, ким келса ҳам отаман”, -деб қўшоғиз милтиғини тоғамга тўғрилаган, аммо тоғам: “Ҳар доим озгина ичиб олсанг шунақа жиннилик қиласан, ташла милтиқни, аҳмоқчилик қилма”, -деб у томонга бир қадам юрганда жаҳл отига минган йигит тоғамни отиб ташлайди. Шундай фожеали ўлим топган тоғамнинг қизи ва ҳали чилласи чиқмаган ўғли Алишер ўз оталаридан бевақт ажралди. Бу фожеали ўлим ҳамма қариндош-уруғ, ёру-биродарларни чуқур қайғуга ботирди. На илож, бу Оллоҳнинг иродаси экан, қанча изтироб чекиб қайғурмайлик, тоғамни ҳаётга қайтара олмадик. Орадан йиллар ўтди. Бувим ва катта тоғам бир куни Нуринисо келинойимга: “Турмушга чиқинг, ўғлимиз энди қайтиб келмайди, бизлар розимиз болам, болаларингизга ҳам ота керак”, -десалар, келинойим: “Йўқ, буни менга бир айтдингиз бошқа айтманг. Мана дадам, қолаверса сиз борсиз. Мен болаларим ўгай ота қўлида ўсишини хоҳламайман”, -деди. Ҳаммамиз йиғладик. Катта тоғам, бувим қўл очиб дуо қилишди. Ўшанда келинойим 25 ёшда эди. Келинойим озгина вақт ўтгач ёғочсозлик корхонасига ишга кириб, болаларини бировдан кам қилмай катта қилиб, уйли-жойли қилдилар. Умрлари поёнигача роҳат-фароғатда яшадилар.

Наргизахон, шу гаплардан кейин хулоса чиқарарсиз, деган умиддаман. Ҳали ҳам бўлса ўз хатоингизга иқрор бўлиб, фарзандларингиз қалбига йўл топинг, бўлмаса бир кун келиб улар меҳридан бенасиб бўлиб қоласиз. Болаларингиз меҳрини қозонишингизни Оллоҳдан тилайман.

**Турдибой КАРИМОВ,**
**Тошкент шаҳар,**
**Сирғали тумани**
**“Усмон Юсупов” маҳалла маслаҳатчиси.**

* * *

Наргиза қизим, ҳаёт жуда мураккаб, инсоннинг дунёқараши ҳам ҳар хил. Худоям сизни бахтли қилиб яратган эканки, севикли, меҳрибон турмуш ўртоғингиздан ширин-шакар фарзандлар кўрибсиз, бахтиёр бўлибсиз. “Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ” дейишади. Турмуш ўртоғингиз тунги синов пайтида ҳалокатга учрабди, унинг жасадини олиб келганда сиз жуда оғир аҳволда қолгансиз. Ундан кейин моддий қийинчиликлар бошланган, фарзандлар ёш, уларни албатта едириш, кийдириш, кўнглини топиш сизнинг бўйнингизда қолган. Онангиз ҳам касалманд экан, сизга ёрдам қилолмаганлар. Шу оғир пайтда эрингиз билан бирга ишлаган Акромжон деган майор келиб сиздан ҳол сўраган бўлиб, сизни моддий томондан таъминлаб, ўзининг тузоғига илинтирган, сизни нотўғри йўлга бошлаган. Буни кўриб, гувоҳ бўлган фарзандларингиз дилида нафрат уйғонган. Бундай қараганда сизда айб йўқдай. “Очлик ҳатто шеърни ҳам ўлаксахўрга айлантиради”, деб бежизга айтишмаган. Сизда ҳам худди шундай бўлган. Аммо, эрингизга бўлган меҳр-муҳаббатингиз қаерда қолди? Ҳаё, ор-номус деганларичи? Сиз болаларингиз олдида ўз шаънингизни йўқотдингиз. Нафснинг домига дош бера олмадингиз. Энди эса хатоларингизни англаб виждон азобида қолибсиз. Фарзандларингиз меҳрини қайта қозонишга уринаяпсиз. Ҳурматли қизим! Энг аввало Акром акангиздан воз кечинг! Болаларингизни бағрингизга босинг. “Ғам-ташвишлардан холи, юзи ёруғ бўлиб, бемалол яшашни истаган одам меҳнат билан дўстлашади”, дейди ёзувчи Ҳаким Назир. Бу шунчаки гап эмас. Бирорта жойга, ҳатто фаррошликка бўлса ҳам ишга киринг. Фарзандларингизга уй-рўзғор ишларини тақсимлаб беринг, токи меҳнатга ўрганишсин. Қанча оғир бўлса ҳам сабр-тоқатли, ширин сўзли бўлинг. Бу билан сиз уларнинг қалбларида пайдо бўлган нафрат изларини ювасиз. Бир-бирига ишонч, дўстлик ҳисларини меҳнат билан тарбиялаб боринг. Ёлғизлик азоби сизни қанчалик қийнаса ҳам, фарзандларингиз билан дўстлашиб, оламдан ўтган турмуш ўртоғингиз хотирасини доимо ёдда сақланг, ҳаққига дуо қилинг! Ёшар эканмиз, хатолар ҳам қиламиз. Аммо ҳар бир хато учун Худога тавба қилиб яшаш кераклигини унутмайлик!

**Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи,**
**Тошкент шаҳри.**

# МЕҲРНИ БОЙЛИККА АЛИШМАНГ

**“Она кўзин ёшламанг” -31-сон**

**ЭСЛАТМА: Уч қизимни ёлғиз катта қилдим. Уларга яхши тарбия бердим. Бироқ!.. Катта қизим бойиб кетгач, феъли ўзгарди. Қўнғироқ қилсам ҳам келмайди. Уйидаги меҳмонларга мени «қишлоқдан келган меҳмон»,-деб таништирди. Роса хафа бўлдим. Наҳотки оналик қадрим шу бўлса?..**

**Муаллиф: Ҳ. Ҳотамбоева**

Қизим Зумрадхон, дил изҳорингизни ўқидим. Шу ўринда сизга ачиндим. Аёл кишига эрказсиз фарзанд тарбиялаш оғир бўлар экан. Мен ҳам сизга ўхшаб 45 ёшимда 3 ўғил, икки қиз билан қолганман. Турмуш ўртоғим вафот этган. Уларга ҳам ота, ҳам она бўлиб, кеча-ю кундуз ишладим. Ўша йиллар айни қийинчилик 1950-70 йиллар эди. Мен ҳам сиздай юқори лавозимда бўлмасам-да табелчи бўлиб 47 йил ишладим, қизларни, битта кенжа ўғлимни ўқитдим, яхшиям инсофли, диёнатли чиқишди. Иккаласи уйли-жойли бўлишди. Катта қизим менга яқиндан ёрдам бериб туради. Ҳозир ҳам хабар олиб туради. Укаларини уйлашда жуда катта ёрдам бериб турди. Ўзи бригадир. Механизатор бўлиб ишлади. Ҳозир нафақада. Қизим Зумрадхон, юқори лавозимларда ишлашингизга ҳавасим келди. Оғир, содда лекин тушунган аёл экансиз, ёш бўлсангиз ҳам қайнона-қайнотангизга суянчиқ бўлибсиз. Энди қизларнинг роҳатини кўраман деганингизда катта қизингиз ўзларидан катта кетибдилар-да. Ахир қиз бола онага ёрдамчи, суянчиқ бўлиши керак-ку. Майли, онаизор кечиримли бўлади. Балки ёшлик қилишгандир, инсофга кириб қолишар. Ўзингизни кўп ўкситмай, иш билан овуниб, яхши инсонлар билан ҳамсухбат бўлинг.

Энди қизим Улжон, сизга айтар гапим. Онага бемеҳр бўлиш қиз болага уят. Наҳотки тушунган олий маълумотли қиз ҳам ўз онасини шунчалик хафа қилса?! Ахир, сиз сингилларингиз ёнига кириб, онангизни ҳурмат қилиб, суянчиқ бўлсангиз бўлмайдими? Ахир ёшлигингизда онангизга суянчиқ бўлибсиз. Бу ишингизни ҳозир ҳам давом эттирсангиз, онангиз шунчалик зорланмас эдилар. Сиз ўзингизга жуда тўқ бўлиб кетибсизу, онаизорингизни бойликка алмаштириб юборибсиз. Ахир бу бойлик онангиз обрўлари орқали бўлгандир. Сиз онангиз телефон қилсалар болаларга буюриб ўзингизни уйқуга солар экансиз. Бу нима деган гап? Уйингизга борсалар меҳмонлар олдига таклиф қилмабсиз. Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда онамни меҳмонлар олдига олиб кириб онам ҳақида жуда яхши гапларни гапириб: “Бизнинг етимлигимизни билдирмадилар, ўқитдилар, турмушга узатдилар. Юқори лавозимларда ишлаб обрў-эътибор топдилар. Биз шу онам туфайли бахтли яшаяпмиз”, деб уйим тўрига ўтказиб қўйган бўлар эдим. Қизим Улжон, сиз ҳам бир кун қарийсиз. Амал, ўткинчи, давлат қўлнинг кири, яна сизга шу онангиз, сингилларингиз керак бўлишади. Сиз ҳали ҳам бўлса, онангиздан узр сўранг, сингилларингизга ёрдам беринг. Ўша онангиз берган пулни онажон мана бу пулни олиб ишлатинг, сингилларимга ёрдам бўлсин”, дейишингиз керак эди. Ахир ҳаммамиз бу дунёга меҳмонмиз, бир кун сингиллар ҳам сизга керак бўлиб қолишар, сиз катта кетманг. Бу дунё қайтар дунё. Ҳали ҳам онажонингизнинг қўлтиқларига киринг, у кишига суянчиқ бўлинг, ўз йўлингиздан адашманг.

**Паттихон Самадова,**
**Фарғона вилояти,**
**Ўзбекистон тумани.**

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР!

**“Юрагимда бир дард бор” - 42-сон**

**ЭСЛАТМА: Уч ўғилдан кейин худо бизга қиз берди. Ўша куни мен билан бир вақтнинг ўзида бир аёлнинг ҳам кўзи ёриб, қиз туғди. Қизим катта бўлгани сайин ўша аёлга ўхшаб кетаяпти. Тасодиф туфайли у аёлнинг қизини кўриб қолдим. У катта ўғлим Бобурнинг ўзгинаси эди...**

**Муаллиф: Мунаввара**

Қизим Сурайёхон! Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз? Сизнинг қизингизнинг алмашгани ҳам худди шундай бир тасодиф.

1965-70 йиллар эди, бизнинг туғруқхонада ҳам икки чақалоқ қиз алишиб қолган. Икки аёл ҳам қўшни қишлоқдан эдилар. Бири чиройли, оқ юзли, бири эса қорачадан келган аёл эдилар. Қиз 2-3 ёш бўлгач, бошқа болалари оппоқ чиройли аёлнинг кўнглидан:-“Болам алмашганмикан?..” деган фикр ўтади. Туғруқхонада ўзи билан бирга ётган аёлникига қидириб бориб, ўзига ўхшаган қизни кўради. Кутилмаганда ҳалиги қизча ҳам югуриб келиб, аёлнинг бағрига отилади. Шундан сўнг икки она қизлари алишиб қолганини билишади.

Бу масала иккала томон билан келишилган ҳолда ҳал қилинади. Болаларни безовта қилмасликка келишадилар. Қиз бола бировнинг хасми деганларидек, улар турмушга чиққач ҳам икки ота-онали бўлиб, опа-сингил тутиниб, борди-келди қилиб юрибдилар. Уларнинг иккиси ҳам ҳамшира.

Қизим Сурайёхон! Сиз ҳам бу воқеадан эрингизни хабардор қилиб, Орзигул билан борди-келди қилиб туринг!

**Раззоқ Ҳакимий,**
**Навоий вилояти,**
**Қизилтепа тумани.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Курсдошим Хуршида ҲАМДАМОВА!**

Таваллуд айёмингиз билан табриклайман. Ҳаётингиз қувончга тўлиб, умрингиз узоқ ва мазмунли бўлсин.

Одила Бўрибекова

**Устозимиз Камоладдин ИСМАИЛОВ!**

50 ёшингиз муборак бўлсин. Масъулиятли ва шарафли ишларингизда муваффақият тилаймиз.

Тозагул Юлдашева, Гита Машарипова



**Онажоним Тозагул ЮЛДАШЕВА!**

50 ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Бахтимизга доим соғ бўлинг, узоқ умр кўринг.

Яқинларингиз.

Қорақалпоғистон. Тўрткўл шаҳри

**Ҳурматли Дариха САРСЕНБАЕВА!**

Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Касбдошларингиз.

Қорақалпоғистон. Тўрткўл шаҳри

**Ҳурматли Жавлонбек ЛАТИПОВ!**

Туғилган кунингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, оилавий бахт тилаймиз.

Тўрткўл тумани шифохонаси ходимлари номидан: Дилбар Машарипова, Дилдора Машарипова

**Дўстимиз ЗОКИРЖОН!**

Туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда улкан зафарлар тилайман. Юзингиздан кулгу ва табассум аримасин.

Дўстингиз Тўлқин

**Жиянларим НИҒМАТИЛЛА ва ТЎТИХОН!**

Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин. Умрингиз чинор умри каби узоқ, ҳаётингиз булоқ сувидек тиниқ бўлсин.

Шоира аянг ва яқинларинг

**Дўстим АЗИЗБЕК!**

20 ёшга тўлишинг билан қутлайман. Ота-онанг бахтига соғ бўл. Умринг узоқ ва мазмунли бўлсин.

Курсант дўстинг Одилжон.

Сурхондарё вилояти

# НОНДАГИ ЮЛДУЗ

**туш таъбирномаси**

Ўқишни битириб, мутахассислигим бўйича ишга жойлашмоқчи бўлиб юрган кезларим эди. Бир куни ажойиб бир туш кўрдим. Ҳар доимгидек қишлоққа борганмишман. Дарвозадан киришим билан онам мени қарши олибдилар-да: «Ҳозиргина нон ёпган эдим. Орасида сенга атаганим ҳам бор»,-дея қўлимга тутқазибди. Шунда мен онамга: «Ҳамма нон бир эмасми?»,-дебман. Онам яна: «Сен буни синдириб кўр, ичида юлдузи бор»,-дермиш. Синдирсам, ҳақиқатдан ҳам орасидан бир чиройли юлдузча чиқди. Зумрад тошлари жилоланиб турарди. Ҳайратланиб қўлимга олсам, онам: «Кўрдингми, учта қирраси бор»,-деди.

Бу туш анчагача хаёлимни ўғирлаб юрди-ю вақт ўтиб эсимдан чиқиб кетди. Бир куни қишлоққа борсам онам келин қилиш нияти борлигини, кўз остига олиб қўйган қиз ҳам борлигини айтди. У қиз билан учрашиб, маъқул келгач тўй бўлди. Мана ҳозир оила қурганимизга ўн олти йил бўлди. Мен шундай оқила аёл билан умр кечираётганимдан жуда миннатдорман. Учта фарзандимиз камол топмоқда. Баъзан ортда қолган йилларга назар ташлайману онам менга пиширган нондаги юлдуз ва унинг уч қирраси ҳақида ўйлаб қоламан. Демак, тушлар келажакдан сўзларкан.

**Эркин ШУКУРОВ**


## АБДУРАҲМОН хусусий шифохонасида

**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

1. Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
2. Аллергик вазомотор ринитлар.
3. Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
4. Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
5. Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
6. Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
7. Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, $32^{a}$уй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**


# БИР КУН КЕЛИБ ЎЗИМИЗ ҲАМ...

**Жон — жигарларимиз**

Ўйлайманки, қайнона-қайнотани ота-онага айлантириш учун келин сабрли, ҳалол, сариштали, пазанда ва энг кераги ширинсухан бўлмоғи лозим. Мен опа-сингилларимга келину-қайнона бўлмоқлик ҳар биримизнинг бошимизда борлиги, биз бунга тайёр турмоғимиз, келинлик ва қайноналик вазифасини чин юракдан адо этмоғимиз лозимлигини уқтирган бўлардим. Зеро, айтишадилар-ку, сен қандай келин бўлсанг қайнонанг ҳам шундай бўлади, деб. Демак, ҳамма гап яна ўзимизда, кўнглимизда, бахтнинг калити эса бесуяк тилимизда. Қиз бола келин бўлган хонадонининг аҳлини сизлаб, хизматини бекаму-кўст адо этса, ҳурмати ошиб, у фарзандга айланади. Аммо, акси бўлса-чи?

Ўртадаги дилхираликлар, қўйди-чиқдилар кўпаяди ва ёш оила завол топади. Яна замона зайлига қайтсак. Келин бўлганига 3-4 йил бўлмай туриб рўзғорини бўлак қилишни истайдиган келинларимиз қанча. Менимча, бу уларнинг ёшликларига бориб қилаётган хатоларидир.

Бир қўшним бўларди. У пайти жуда ёш келинчак эди. Қайнона-қайнотаси ҳам келинчакнинг ишларига қарашиб юрарди. Менинг унга ҳавасим келиб: "Зўр қайнона-қайнотангиз бор-да, ҳамма ишларингизга кўмаклашиб юради", десам: "Э, нимасини айтасиз, ишларимга аралашаверишади, икки ўғлимни ҳеч қўйишмайди. Ҳали у ишни, ҳали бу ишни буюради. Мол-ҳол, томорқа ишларигача қаратади. Эримга айтсам, қўявер ишласин, эртага ўзингга яхши, меҳнатда чиниқиб ўсади дейди. Эримга: "Шаҳардан дом олиб кўчиб кетайлик. Шаҳар мазза. Иссиқ сув, совуқ сув бор, яна болаларим ҳам оғир ишни қилавермайди", деб жавоб қайтарди. Мен ўша келинчакка: "Сизнинг ҳурматингиз шу қишлоқда, баракангиз шу ҳовлингизда. Сиз шу ерда ўсиб унгансиз, шаҳарнинг бетон деворига қизиқманг. Шундай ҳовли-жойни домга алишманг", дедим. Орадан йиллар ўтиб, иттифоқо яна ўша келинчакка йўлиқдим. Бу сафар мен уни эмас, у мени таниб тўхтатди. У тўлишиб жувонга айланганди. Кўришиб бўлгач, ўшанда шаҳардан дом олиб кўчдиларингми, ўғилларингиз яхшими деб сўрадим. -"Вой, домни гапирманг. Шундай катта ҳовли- жойни ташлаб-а? Ўғилларим катта бўлиб қолишган. Ўзлари бемалол ҳовли иши дейсизми, мол-ҳол, томорқа иши дейсизми уддалашади. Эсингиздами? Ўшанда қайнота-қайнонамдан ноҳақ ранжиган эканман. Ўғилларимни ишга солса ёмон кўрардим. Мана ҳозир катта фермермиз. Яхшиям қайнотам ўғилларимни меҳнатга ўргатган эканлар. Ёшликдаги енгил-елпи ҳавас-орзулар ўткинчи бўларкан. Ёшингиз ўтаверган сайин уларнинг қадрига етиб, берган дашномлари бекорга эмаслигини тушуниб бораверар экансиз. Уларнинг кераклигини энди-энди англаяпман. Мана ёшим қирққа қараб кетаяпти. Ўзим ҳам ҳадемай келин тушириб қайнона бўламан. Ўғилларимизга томорқа олиб уй қураяпмиз. Усталар бор. Бозор қилишга тушувдим", дея гапини якунлади ўша жувон. У мен билан хайрлашаркан, мен сабрнинг этагидан тутган ўша келиннинг ортидан ҳавас билан қараб қолдим ва шундай фикрга келдим:-Ҳар бир қиз оппоқ либосда ўзга уйга келин бўлиб тушар экан, у аввало тезроқ рўзғорини алоҳида қилишни эмас, шу хонадонга сингиб кетишни дилига тугиб қўйишини истардим. Яхши-ёмон гап қайси оилада бўлмайди, дейсиз? Ёмонини яшириб, яхшисини тоширган келин фарзандга, қайнона-қайнота эса ота-онага айланиб боради. Хизматимизни аямай, вақтида рўзғор ишларига уннаб, ака-ука, опа-сингил борди-келдисини жойига қўйсак, қайси хонадон бизни болам демайди. Демак, қайнона-қайнотани ота-онага айлантириш ўз қўлимизда, тилимизда, беминнат хизматимизда. Зеро:

***Турмушнинг тўрт муштин юта олмасанг,***<br>
***Боланг отасин хуш кута олмасанг,***<br>
***Ғазабга-сукутни тута олмасанг,***<br>
***Дўстим, кўзингни оч, ғафлат босибди,***<br>
***Қалбингнинг тўрини ғурбат босибди.***<br>
***Ўғлинг-қизинг гоҳ-гоҳ суйиб турмасанг,***<br>
***Қайнотанг пойини тавоф қилмасанг,***<br>
***Қайнонанг сўзини назар илмасанг,***<br>
***Дўстим, кўзингни оч, ғафлат босибди,***<br>
***Қалбингнинг тўрини ғурбат босибди.***<br>
***Эшикдан меҳмонинг йўқлаб келмаса,***<br>
***Шайтон ҳар йўлига солиб, тезласа,***<br>
***Баджаҳл аёл деб сени эсласа,***<br>
***Дўстим, кўзингни оч, ғафлат босибди,***<br>
***Қалбингнинг тўрини ғурбат босибди.***

**Дилфуза ҲОТАМОВА,**<br>
**Бўка тумани**

**АРТИҚОВ ҲАМЗА ГАИПНАЗАРОВИЧ**га ТАТУдан 2001 йилда берилган 22035-рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази Наманган вилояти бўлими директори Муҳаммадиева Мастурахон Султановнага оналари

**ҲАДИЧАХОН ҳожи ая**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этамиз.

**Бир гуруҳ дўсту қадрдонлари**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ҳафтанинг биринчи ярми жуда омадли кечади. Ишда ютуқларга эришасиз. Дўстларингиз билан саёҳатга чиқишингиз мумкин.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Кутилмаган воқеаларга дуч келасиз. Янги танишлар орттирасиз. Кўпдан кутган севгилингиз билан учрашасиз.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Саломатлигингиз ҳақида қайғуришингиз лозим. Ҳафтанинг иккинчи ярмида эса уйингизни тозаланг ёки таъмирланг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Ишхонада ўзингизга юкланган вазифани яхши уддалаганингиз учун раҳбарларингиз томонидан катта маблағ билан тақдирланасиз.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Ҳафтанинг биринчи ярмида янги уйга кўчиб ўтасиз. Рўзғор буюмлари харид қилишингиз мумкин.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ғийбатларга қўшилмаганингиз маъқул. Акс ҳолда атрофингиздаги яқин дўстларингиз билан орангиз бузилади.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Маблағингиз ва кирим-чиқим харажатларингизни ҳисоблаб чиқишингиз лозим. Пулингизни меъёрида сарфланг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Шу ҳафтада оила аъзоларингиз ва яқинларингиз билан табиат бағрига саёҳатга чиқсангиз кўнгилли дам оласиз.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Ўқотар буржидагиларда ўз кўринишларини ўзгартириш имконияти пайдо бўлади. Олисдан мактуб ёки хушхабар оласиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Ҳафтанинг иккинчи ярмида қўшимча маблағ ишлаш учун ҳамкорларингиз билан янги шартнома тузасиз.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Майда-чуйда нарсаларга асабийлашманг. Яхшиси хорижлик дўстларингиз ёрдамида ўз билимингизни оширинг.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Ҳафтада тузган режаларингизни амалга оширсангиз катта ютуқларни қўлга киритасиз. Аммо бу ўзингизга боғлиқ.

# КЎРСАТИБ ҚЎЯМАН...

Кеч соат 9 ларда ҳамқишлоғининг тўйидан қайтган Эътиборхон болаларнинг ош-овқатига қараб, шу ерда ётиб қолган қўшниси Назирахонга миннатдор боқди. Уйқусини бузмай оёқ учида юриб нариги хонага ўтгач, чироқни ёқди. Ўзини бўй баравар ойнага соларкан тўйда бир-бирига гап бермай хандон отиб кулишиб ўтирган қишлоқнинг энг бой-бадавлат хотинлари кўз олдига келиб яниб қўйди.

- Ҳали шошмай турларинг-чи! Тилло тақинчоқларни қават-қават тақиб, ҳеч кимга гап бермай керилиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман. Иморатимни, ҳовли-жойимни ҳам ўшаларникидан ўтказмасам қўймайман! Шу уч ярим миллион қарз ўлгурдан қутулиб олсам, у ёғига марра меники! Дадаси омон бўлса ҳаммаси бўлади. Кореяга молҳолу, машинагача сотиб жўнатганим эсимдан ҳам чиқиб кетади. Мана 6 ойдирки узлуксиз пул келиб турибди. Шу 3 ярим миллиондан 2 ойлар ичида қутулиб оламан. Уйларни бошқатдан қурдираман. Эри навбатдаги сафар пул жўнатганда ҳаволаниб, терисига сиғмай кетган Эътиборхоннинг кўзига бундан 15 йилча бурун солинган иморати кўримсиздай туюлди.

Яхши усталарни олиб келиш учун йўлга чиқмоқчи бўлаётганда яна ён қўшниси Назира опа келиб қолди.

- Ҳа, йўл бўлсин,-сўради Назира опа. Қўшнисига кўрпача тўшар экан Эътиборхон шаҳарга тушиб уста олиб келмоқчилигини, уйини бузиб бошқатдан замонавий уй қурмоқчилигини айтди.

- Вой, қўшнижон,-астойдил куюниб гапирди Назира опа,-шундоқ уйларни бузадими одам, ҳаммасини бузмоқчимисиз ёки битта-иккитасиними?

- Ҳаммасини,-қўлини белига тираганча жавоб берди Эътиборхон.

- Ундоқ қилманг-да қўшни, ўйлаб иш қилинг. Уйларингиз яхши бўлса, қишда иссиқ ёзда салқин бўлса. Бошингизда эрингиз бор, бир оғиз сўранг, қариндош-уруғлардан маслаҳат дегандай. Бузиш қочмас! Ўйлаб кўринг-да жон қўшни, фақат шошманг. - Эътиборхоннинг кўзига астойдил насиҳат бераётган Назира хола ҳам ёмон кўриниб кетди. Худди Эътиборхонни кўра олмаётгандек туюлди. Қўшниси ўрнидан туриб уйига йўл олар экан, бошини сарак-сарак қилди. Бир эмас, 2 та эмас, 7 та хона-я... Айтишга осон бўптими. Собиржон билан бу уйларни қуришганда қанча қийналгандирлар.

Қўшниси жавраб, куйиниб чиқиб кетгач бир оз ўйланиб қолган Эътиборхоннинг кўзига тунов кунги тўйда ҳеч кимга гап бермай, қимматбаҳо тақинчоқларини кўз-кўз қилганча керилиб ўтирган қишлоқнинг катта оғиз хотини Мавсумахон кўринди-ю фикридан шартта қайтди. - "Йўқ! Ҳаммасини буздириб бошқатдан соламан. Дарвозахонадаги хонани кенгайтириб, катта меҳмонхона солдираман. Ҳатто Мавсуманикидан ҳам ўтказаман. Кўрганнинг бир кўзи куйсин. Катта қизимга совчилар ҳам келаяпти, насиб бўлса қизимни катта данғиллама ҳовлидан чиқараман. Дадаси пул жўнатиб турса 1 йилга қолмай ҳаммасини қуриб пардоздан чиқараман. Ҳали эрим келса бир ҳайрон қилайки... Яхшиси то битказгунча эримга айтмайман...

Шу хаёллар билан кўчага чиққан Эътиборхон сўраб-суриштириб шаҳардаги энг яхши устаникига кириб борди ва келишиб келди. Эртаси куни уста 3 шогирди билан кириб келди. Хоналарни шогирдлари билан айланиб кўрган уста уйни бузишга ҳожат йўқ, деди. Хоналар катта, кенг, ёруғ. Фақат шифти бир оз пастроқ экан. Девори ҳам бақувват. Агар рози бўлсангиз устини очиб деворни ярим метрдан зиёдроқ кўтартирсангиз бўлди. Мен керакли шифер тахталарни ёзиб бераман. Эшик-ромларни олиб ташлаб, ҳозирги замонавий эшик-ром ясаб қўндирамиз, хоналарингиз ҳеч кимникидан қолишмайди,- деб обдон тушунтирди устабоши.

Эртаси куни тонг саҳарда мардикор бозорига борган бека 5 та мардикорни бошлаб келди. Уйининг устини очдирган аёлнинг кўзига хоналар ғарибдай кўринди. Ўйлаб-ўйлаб таг-туги билан бузишга фармон берди. Ҳамма уйларни таги билан буздирган Эътиборхоннинг ўзи ҳовли ўртасида омонат қурилган чайлага тўрт ўғли билан жойлашди. Кўч-кўронини кичкина ошхонага тиқиштириб ташлади, икки қизи ошхонага бир амаллаб жойлашди. Ҳожатбарор шофёрга блок келтиришни тайинлаган бека вайроналар ичида куймаланиб юрганида ошхонадан ўғли гапириб қолди:



Қишлоқ ҳангомалари

- Ойичи-ойи, ҳозир дадам телефон қилдилар. Ойинг қани дедилар...

- Нега менга айтмадинг?- деб Эътиборхон ўғлини уришиб берди: - Даданг нима дедилар? Пул жўнатибдими?

- Ойи-чи, ойи, дадам айтдиларки, индинга келарканлар!

- Вой, эсинг жойидами сен боланинг, ҳали бир йил бўлгани йўғу, дарров зерикибдими, одамлар 10 йилдан бери ишлаб юрибди, вой тавба-ей...

- Йўқ, ойи, дадам-чи порт қиптилар.

- Нима дейсан, порт қиптилар дейсанми, қанақа порт? Денгизга ишга ўтибдими, даданг? Яхшироқ сўрамадингми, ландавур, портда балиқ тутаяптимикан, нима бало...

- Ойи-чи дадам индинга бораман дедилар. Шунга порт қиптилар...

Ҳеч балони тушунмаган Эътиборхон яна телефон қилиб қолар деган ўйда хавотир билан юмушига берилди. Эрта ўтиб индинига 4 боласи билан таг-туги билан бузилган вайронада хода-подани у ёқ-бу-ёққа судраб юрганда эшиги олдига келиб тўхтаган "жигули"дан тушган эрини кўрган Эътибор эс-ҳушини йўқотиб, анграйиб эри истиқболига югурди. Маълум бўлишича, эри депорт бўлиб, Корея Республикасидан чиқариб юборилган экан. Бузилган уйларини кўрган Собиржон аввалига эси оғиб қолаёзди. Сўнг ҳамма ишни англагач, бўралаб хотинини сўкди. Бу ҳам етмагандай тутиб урди. Агар болалари тармашиб олмаганда хотинини уриб ўлдиришдан ҳам тоймасди. Аламига чидай олмаган шўрлик эр хотинини уриб- уриб онасиникига ҳайдади.

Орадан 2 кун ўтиб келишилганлиги учун 3 шогирди, станоги ва бошқа ашғол-дашқоллари билан етиб келган уста: "Бу бошқа жой бўлса керак, биз адашибмиз",-деб турганда аламдан, армондан, иложсизликдан нима қилишини билмай оч-наҳор вайронада ўтирган Собиржон югуриб бориб устабошини бўғзидан олди. Ҳамма гапни тушунган устабоши бир илож қилиб Собиржоннинг чангалидан қутулгач ашқол-дашқолларини шалоқ "Дамас"га ортиб, шогирдлари билан қочиб қолди.

Орадан ҳафта ўтар-ўтмас берган қарзини қистаб келган одамлар Собиржонни ўртага олишди.

Бечора Собиржон нима қилсин! Аҳмоқ хотин ҳамма ёқни бузган бўлса! Молҳол, шалоқ "Жигули" Кореяга бориш учун сотилиб кетган бўлса! Бошқа дастмоя бўлмаса, катакдаги 5 та товуқдан нима фойда!

Ҳозир, Собиржон деганлари боши қотиб вайрона ҳовлидаги чайлада яшаяпти. Хотини онасиникида кўзи, пешонаси кўкариб ўтирибди. 4 бола икки ўртада овора-ю сарсон!

Ҳақиқатан Эътиборхон бутун қишлоқ аҳлига кўрсатиб қўйди... Бунинг устига қиш-қировли кунлар ҳам яқинлашиб қолди... Дунёнинг ишлари қизиқ-да...

**Саломатхон МАМАТҚУЛОВА.**
**Самарқанд вилояти,**
**Тайлоқ тумани.**

## МАДАДКОР ВА МАРДИКОР

Ҳангома

Фуқаролар йиғинига келган Муталбек раисга ялинди:

- Акажон, ўнта болам бор. Хотин касал, ўзимнинг мазам йўқ, қайнонам бемор. Илтимос, моддий ёрдам бериш чорасини кўрсангиз. Чўнтакда бир тийин ҳам йўқ...

Раис бироз ўйланиб турдида, барзангидай бу одамнинг гапларига ишонгиси келмади. Лекин барибир одамийлик нуқтаи назари билан ёндошиб, фикрини баён этди:

- Агар малол келмаса, бир хизмат бор. Қишлоқ ўртасидан ўтадиган катта ариқ жуда саёзлашган. Ҳамма ҳашарда қатнашаяпти. Сиз ҳам тўрт метр жойни қазишга ёрдамлашсангиз. Савоб иш бўларди. Моддий ёрдам масаласига келсак, тегишли ҳужжатларни тайёрласангиз, қонуний равишда пул олаверасиз.

Муталбек бу гапларни эшитиб, тез чиқиб кетди.

Ярим соатлар ўтгач, раис ҳашарчилар ишидан хабар олай деб борса, Муталбек қўлини белига қўйиб, ариқ қазиётганларни томоша қилиб турибди.

- Муталбек, нега ариқ қазимаяпсиз?

- Мана, қазишаяпти-ку! Тўрт киши мен учун ишлаяпти.

- Улар ким?

- Мардикорлар, - бамайлихотир жавоб берди Муталбек.

- Неча пулга ёлладингиз?

- Ҳар бири беш минг сўмдан?

- Ахир сиз боя чўнтагингизда мутлақо пул йўқлиги, қийналиб турганингизни айтгандингиз... Бу қанақаси?!

- Ўв, ака, - деди Муталбек кесатиб. - Пулини сиз эмас, мен тўлайман. У ёғи билан нима ишингиз бор?

Фуқаролар йиғини раисининг хуноби ошди. Чунки бундай товламачилар оз эмас-да!

**Баҳодир ЭГАМ,**
**Навоий вилояти,**
**Қизилтепа тумани.**

## МАСАЛЛАР

Олов сувга мақтанди.

- Мен сени қайнатиб холингни вой қиламан.

Сув деди: - Лекин билиб қўй, қайнаб турсам ҳам сенинг умрингга завол бўла оламан.

* * *

Шайтон катта йўлдаги тупроққа ағанаётган эшакни кўриб, боласининг қўлидан четга тортди.

- Нима бўлди? - сўради шайтонча.

- Эшак ётганда, катта йўлдан юриш бизга йўл бўлсин.

* * *

Қашқирни кўрган эшак ипини узиб қочди. Буни кўрган ит унга:

- Ҳой, тўхта, мен борман, қўрқма, - дея унинг олдини тўсди.

Эшак: - Бир марта сенга ишониб, орқамдаги тиртиқни қашқирдан орттириб олганман.

* * *

Бодом жийдага мақтанди:

- Мендан эрта гулини кўз-кўз қилиб, очиладиган, мендан кеч пишадиган дарахт йўқ.

Жийда: - Мен кеч гуллаб, эрта пишаман. Мени совуқ урмайди. Сенинг гулингни совуқ урса, наслсиз қоласан.

Қуён тошбақага шивирлади:

- Иккимизнинг орамиздаги фарқ нимада:

- Сенинг суягинг тўшингни кўтариб юради, менинг гўштим суякни кўтариб юради, - деб жавоб қилди тошбақа.

* * *

Тол теракка:

- Гердайганинг гердайган. На соянг бор, на меванг.

Терак: - Сабр қил тол, мени койима. Яхши ёмонни баланддан кўриб олай. Кейин кимга таъзим қилишни ўзим биламан.

* * *

Илон бақага: - Сал тегиб кетсам, жар солиб, одамларни ёрдамга чақирасан.

Бақа: - Кел, ўрин алмашайлик, сен ўшанда кимни ёрдамга чақирар экансан.

* * *

Бир хонадоннинг товуқхонасини пойлаб юрган тулки итга яқинлашди.

- Биродар сени кўпдан бери меҳмон қилмоқчи бўлиб юрувдим. Кечаси меҳмонга ўт.

Ит унинг таклифини қабул қилди ва кечки пойлоқчиликдан воз кечиб, қўноққа жўнаб кетди. Тулки вақтдан фойдаланиб товуқларга қирон келтирди.

**Ўнғар ЖИЯНБОЕВ,**
**Бўка тумани.**

*«Оила ва жамият» ўгитономаси*

## ТЎРТЛИКЛАР

Яхшилар ҳар доим кўнгил овлашар,
Нафсини тиймаган кунда довлашар.
Санъатни ўзига бизнес қилганлар,
Даврага талашиб, тўйда қувлашар.

* * *

Бахт юлдузинг доим чарақлаб турсин,
Қайғунинг шарпаси йироқлаб турсин.
Яхши-ёмон кунда синалган дўстлар,
Доимо бир-бирин сўроқлаб турсин.

* * *

Бебурднинг қўлини ушлаб ўтирма,
Бахтли қўрғонинг ташлаб ўтирма.
Олтин деб юрганинг жез бўлиб чиқса,
Аламдан кўзларинг ёшлаб ўтирма.

* * *

Бошингда чарх урса қисмат ўйини,
Ғаниминг алафдай чўзар бўйини.
Булутнинг тагида офтоб кўп қолмас,
Нур сочар, зулматнинг қирқиб пайини.

**Пардабой ҚУЛАТОВ,**
**Сурхондарё вилояти.**

## ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН



Она сутин оқламоқ-чун минг умр кам,
Гувоҳ бунга Еру осмон, қадрингни бил.

Соф виждонли кам бўлмагай бу ҳаётда,
Ибрат олгил сен ҳам чандон, қадрингни бил.

Яхшилик боғида яйраб, сайр айлагил,
Тарк этмасин адлу иймон, қадрингни бил.

Меҳр-қадр, иззат-қадр, ҳурмат-қадр,
Ки умримиз ўтар карвон, қадрингни бил.

Дил каломин баён этмиш Баҳодир ҳам,
Аллоҳ мезбон, бизлар меҳмон, қадрингни бил.

### КЎРДИМ

Депсинганда йўлимда катта-катта тош кўрдим,
Тош отганда ғанимлар кўзларимда ёш кўрдим.
Бор экан-да курмаклар билмас адлу иймонни,
Тўғри сўзим олдида чимирилган қош кўрдим.

Шоир қалби тирналар, ким бўлғуси давоси?
Яширсам-да ғамимни бўлганини фош кўрдим.

Фарёд чекмам Баҳодир, бири кам бу дунёда,
Овутибон ўзимни қалбимда бардош кўрдим.

### ТЎРТЛИК

Ўзинг юрибсанки букун саломат,
Нечун даркор экан таъна, маломат?
Олам кўзгусида биз битта жонмиз,
Унутсанг билгил, бу ёғи-қиёмат!

### МАНЗАРА
**(Ҳазил)**

Қаранг, энди котибалар
Асло, асло зерикмас.
Икки чойнак аччиқ чой-у,
Бошқотирма бўлса, бас!

### ҚАДРИНГНИ БИЛ
**(Лайлатул қадр кечаси битилган)**

Бўлай десанг ҳазрати инсон, қадрингни бил,
Чин инсонлик эмас осон, қадрингни бил.

Паноҳида сақлагайдир парвардигор,
Тавоф этил, қилма армон, қадрингни бил.

Пасткашлару риёкорлар обрў топмас,
Таъмагирлар юрар сарсон, қадрингни бил.

### ЯХШИЛИК

Дунёда олий фазилат, ороми жон яхшилик,
Қалбимиз ёғдуга тўлгай бўлса ҳар он яхшилик.

Яхшилик холи эса таъна бирла таъмадан,
Бу демакким сидқидилдан, шуҳу хандон яхшилик.

Кимсалар бор: яхшилиги, илтифоти юз учун,
Бундайин илтифотлар келтирмас шон, яхшилик.

Билингай оғир кунингда аслида энг яхши дўст,
Ул бергайким танга қувват, жонга дармон яхшилик.

Эй, Баҳодир эсда тутгин, яхшилик умрибоқий,
Шул сабаб қилгин ҳамиша, бўлса имкон яхшилик.

### ЮРАК ДАРДИ

Неча кунки ёр, қалбингдан чиқмас садо,
Кеча-кундуз сени ўйлаб бўлдим адо.

Йўлларингга мунтазирман, келмайсан ҳеч,
Бунчалар ҳам қийнамоқдан не муддао?

Ҳижронларни бас қил энди эй, моҳидил,
Наҳот қалбинг эритмайди минг илтижо?

Умр ўтиб бормоқдадир оқар сувдек,
Қачон эсар боғимизда шўхи сабо?

Келгин ўйлаб, гул тутган ул қўлларингдан,
Кутар севги кошонаси кел, марҳабо!

Юрак дардим назм айладим ёниб-ёниб,
Баҳодирни ёр десанг гар, бўлмас хато.

**Баҳодир ЭГАМ,**
**Навоий вилояти, Қизилтепа тумани.**

### ХИЁНАТДАН САҚЛАГИН

Имону эътиқод фаришта каби,
Бизни ёмонликдан қилар ҳимоят.
Дўстликнинг муқаддас қонунлари бор -
Уларни бузишдир оғир жиноят.

Минг йилки аслида жиноят эмас,
Хиёнат кемирар инсон бағрини.
Энг оғир жиноят ишонч қозониб,
Сўнгра топтасалар инсон қадрини.

Кимнингдир дилига бердингми озор,
Жазойинг тайиндир, энди хушёр бўл.
Бир гўдак жилмайиб талпинса сенга,
Энг оғир жиноят узатмасанг қўл.

Севгилинг умид-ла жавдираб қарар,
Эсингдами, ўшал ваъданглар дея.
Аслида жиноят дамин кесмоққа,
Бир оғиз ширин сўз эрур кифоя.

Жиноят қилмоқчун ўткир тиғ олиб,
Шарт эмас бировнинг кўксига санчиш.
Минглаб зарбалардан даҳшатлироқдир,
Инсонлар кўнглини ноҳақ ранжитиш.

Қонун китоблари семирар ҳар кун,
Инсонлар кашф этган жиноятлардан.
Соғ-омон сақлагин бизни ёй Тангрим,
Қонунга бўйсунмас хиёнатлардан.

**Исматулла ЙЎЛДОШЕВ**

### ОНА ҚУЁШ

Фақат фарзанд учун яшаган онам,
Кўнглининг оқлиги урган сочига.
Қўллари бир умр калта бўлса ҳам,
Дунёни сиғдирган у қулочига.

Фақат фарзанд учун яшаган онам,
Кичик ҳовлимизни дунё деб билган.
Ой, юлдуз, гулларда эмас, кўзлари
Мудом бизлар қайтар йўлларда бўлган.

Фақат фарзанд учун яшаган онам,
Бир тикан кирмасин деган боламга.
Оналар ичига ютган ҳар ғам,
Қиёмат келмагай бизнинг оламга.

Фарзандга бахшида бўлиб ҳаёти,
Буюк деб ном олган оналар бари.
Онанинг номидан сўнг келар оти
Қуёш бўлса ҳамки олам сарвари.

Фақат фарзанд учун яшаган онам.

**Хуршид НУРУЛЛАЕВ**





# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?




### ЧОРВАЧИЛИКНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Тахминларга кўра, чорвачиликнинг илк кўринишлари ўтхўр ҳайвонларнинг тўдасидан ажралиб қолган ёки онаси ўлгач етим қолган ҳайвон болаларини одамлар ушлаб олиб қўлга ўргата бошлаган даврда пайдо бўлган.

Эчкилар, қўйлар, чўчқалар ва қўтослар қўлга ўргатилган илк ҳайвонлар ҳисобланади. Одамлар улардан сут, гўшт, жун ва тери олишган. Бундан ташқари одамлар қўтослардан турли юкларни ташишда ҳам фойдаланганлар. Кейинчалик эса отлар ва туялар ҳам қўлга ўргатилган.

Уй ҳайвонларининг аксарияти ўтхўр ҳисобланади. Фақат итлар ва мушуклар бундан мустасно. Одамлар уларга овқатларнинг қолдиқларини берганлар. Итлар эса уларга овда, уй-жойни ва бошқа уй ҳайвонларини қўриқлашда ёрдамчи бўлганлар.

### ИЛК ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ҲАЁТИ

Деҳқончилик ва чорвачилик ривожланиши билан одамларда кўчманчи турмушга ҳожат қолмади. Энди улар ўзла-



рига керагидан анча кўп озиқ-овқат топа бошладилар. Натижада қабилалар кенгая бошлади – улардаги одам сони бир неча юз кишига етиб, уларнинг барчаси бир-бирига қариндош эди. Қабила таркибан қуйидагича тузилган эди: ҳар бир оила ота-она, фарзандлар ва набиралардан ташкил топганди. Бир нечта ўзаро қариндош оилалар уруғларга, улар эса ўз навбатида қабилаларга бирлашган. Ҳар бир қабиланинг ўзига хос турмуш тарзи мавжуд бўлган. Шунингдек, қабиладошларни бир хил диний қарашлар ва урф-одатлар ҳам бирлаштириб турган. Деҳқончилик учун меҳнатни ташкил этишнинг янгича усуллари зарур бўлиб қолди. Ерга ишлов бериш учун анчайин мукаммал меҳнат қуроллари, етиштирилган ҳосилни сақлаш учун омборлар, қишлоқни қўшни қабилалардан ва кўчманчиларнинг ҳужумларидан ҳимоя қилиш керак эди. Шунингдек, ичимлик ва ерларни суғориш учун сув масаласи ҳам бор эди. Хуллас, қабиланинг гуллаб-яшнаши учун унинг ҳар бир аъзоси, кекса-ю ёш, эркагу аёл бирдек меҳнат қилишига тўғри келарди.

### ИЛК МАДАНИЙ ЎСИМЛИКЛАР

Бугунги кунда инсониятнинг таомномасида ўсимлик мева ва уруғларидан тайёрланган турли-туман ёрмалар бор. Дейлик, гуруч, гречка ёки сулидан бўтқа пишириш мумкин. Минг йиллар давомида ер куррасининг турли минтақаларида яшаган одамлар турлича ўсимликларни етиштирганлар ва фақатгина мана шу нарсаларни истеъмол қилишган. Масалан, буғдой ва арпа фақат Европа ва Яқин Шарқда етиштирилган.

Жанубий ва Марказий Америка ҳиндуларининг асосий озуқаси маккажўхори, маҳаллий аҳоли тили билан айтганда, маис бўлган. Гуручни илк марта Ҳиндистонда, ундан сўнг Хитойда ва бутун Жануби-Шарқий Осиёда етиштира бошлаганлар. Неолит даврига келиб одамлар юқорида саналган маданий ўсимликлардан ташқари ошқовоқ, узум, дуккаклилар, зайтун етиштиришни ҳам ўзлаштириб олганлар.

### ИЛК УЙЛАР ҲАҚИДА

Деҳқонлар йил ўн икки ой бир жойда ўтроқ ҳаёт кечирганлари боис уларга бошпана—турар-жой керак эди. Одамлар уй қуриш учун қўл остларида мавжуд бўлган табиий нарсаларни ишлатишган. Дарахтларнинг шохлари ва буталари, қамиш, пальма япроғи, ҳайвонларнинг териси, тош ва лой шулар жумласидандир. Месопотамия ва Мисрда лойдан ғиштлар ясаб, уларни қуёшда қуритиб олганлар ва қурилишда ишлатишган. Вақтлар ўтиб улар ғиштни оловда пиширишни унинг сифати ва мустаҳкамлигини оширишини билиб олганлар.

### КУЛОЛЧИЛИКНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Кулолчилик лойдан турли идишлар ва бошқа зарур буюмлар ясаш санъатидир. Илк даврларда кулолчилик буюмлари қўлда ясалиб, кичик печларда қуритилган. Вақт ўтиши билан кулолчилик дастгоҳлари яратилди ва ясалган буюмларни қуритиш учун йирик печлар қурила бошланди. Дастлаб кулолчилик бундан тахминан 8000 йил аввал Яқин Шарқда асос солинган. 6000 йил олдин эса у Хитойга, 5000 йил бурун Месопотамияга кириб келган. Кулолчиликнинг пайдо бўлиши бевосита ўтроқ турмуш тарзи ва деҳқончиликнинг ривожланиши билан боғлиқ. Чунки етиштирилган дон ва сувни, турли меваларнинг сақлаш учун идишлар зарур эди.



Кўчманчи қабилаларга эса, уларда озиқ-овқат захиралари бўлмагани боис, сопол идишлар керак эмасди. Зеро, уларни бир жойдан бошқасига кўчганда синдириб қўймай эҳтиётлаб олиб юриш ортиқча ташвиш туғдирарди.

**ДАРМОН тайёрлади.**

Эр-хотинлар тоифаси

# ҚУРУМСОҚ ЭР

Аёл қалбини тўйга қадар, эркакнинг кўзлари, юзига ўт пурковчи нигоҳи, келишган қадди-қомати, ярашиб турган юриш-туришлари забт этса, тўйдан кейин, борингки, бир-икки йилдан сўнг унинг ширин мулозамати, юрак-бағрининг кенглиги, ростгўй тили ва энг муҳими қўл очиқлиги забт этиб боради. Бу — асал ойи ўтгач тўй бошларидан олов нафаслар, вужудни жунбушга келтирувчи оромижон туйғулар, ҳар галгиси ўзича янги-янги маъно-мазмун ҳадя этувчи ишқий хатти-ҳаракатлар, қизғин эҳтирослар эскириб, ўз жозибасини сусайтириб расмий эр-хотинлик ҳаёти бошланади, деганидир. Демак, эр-хотиннинг бундан буёнги бахтли турмуши иккала жуфтнинг кундалик муносабатларидаги баъзан қалбан, баъзан ақлан иш юритишларига ўта боғлиқ бўлади. Энди эрнинг "ширин мулозамати", "юрак-бағрининг кенглиги", "ростгўй тили" ва энг муҳими, "қўл очиқлиги" жуда зарур бўлади. Оилада эркак кишининг қизғанчиқ бўлиши, ҳар кимдан ҳар нарсани устун қўйиши, тузукроқ нарса бўлиб қолгудай бўлса, уни хотинига ҳам раво кўрмаслиги — унинг ўнглаб бўлмас иллати ҳисобланади. Ҳаётида бир сўм устида ота-онасини ҳам танимай қўядиган эркаклар борки, улар оила фаровонлиги, маъмурчилигининг битган балосидир. Бундай оилада хотин эридан рўшнолик кўрмайди, шунчаки, тоқат қилади. У эрини қучмайди, шунчаки, совуқ эрнинг қучоғига таслим бўлади. На ҳис қўзғалади, на ором топади. Охир-оқибат хотин дўзах азобида қолади...



Фикри ожизимча, бундай одамнинг психологиясини қайта ўзгартириш бандасининг қўлидан келмайди...

Менинг бир танишим бор эди. Уни "танишим" дейишга ҳам тилим бормайди. Тўғрироғи, бир одамни танир эдим, билар эдим. Унинг исми Инъом эди. Назаримда, Тангри таоло уни онасига (отасини кўрган эмасман, барвақт вафот этиб кетган эканлар). Қайсидир яхшиликлари учун инъом этгандай эди. У катта бўлиб эсини танигач, тенгдошлари "уни онасига Худо туҳфа қилган. Шу туфайли у фақат туҳфа олишни билади, туҳфа қилишни эса билмайди", деб киноя қилишар экан.

Инъом вояга етиб, онаси уни уйлантираман, дегач, у ўспиринлигидан бери давом эттириб келаётган: қизларга кўз ташлаб қўйиш, кўз уриштириб ўтиш, ўрни келиб қолса, қизлар билан кўз боқишлар қилиб туриш одатини яна ҳам фаоллаштирди. Уни кўпроқ башанг кийинган қизлар қизиқтирар эди. Аммо улар Инъомнинг юпун кийим-бошини кўриб, у жойида ўн марталаб кўз боқишлар қилганида бунга бир-икки мартагина кўз ташлаб қўяр эдилар. Инъом эса бунга учиб янада тез-тез кўз қараш қилаверар эди. Бойвучча, олифта қизлар бунақа йигитларни оёқ учида кўрсатишларини тушунмасди. Афтидан, ўзини сумбатдек йигит билиб, шу жиҳати билан қизларни ром қилиб олмоқчи бўлар эди. "Нега бўлмаса, улар ҳам менга қарашади" дерди, ўзини ўзи ишонтирарди. Лекин, уларнинг олдига бориб, мардларча гапга солишга журъати етмасди. Бирор оромгоҳга ёки кинотеатрга, концертга таклиф қила олмасди. Уни бу йўлдан тўсадиган, журъатини боғлаб қўядиган бирдан-бир нарса чиқим эди. Бекорга чиқимга тушиб қоламан, деган ўйда ўзини-ўзи тўхтатиб қўярди. Тағин билмадиму, менинг фикримча "қизлар уни таклиф қилсин"эди. Буни сезиб қолган таниш тенгқурлари (унинг чинакам дўсти йўқ эди. Дарвоқе сохта одамда дўст нима қилсин?!) "Қаерда кўргансан, қизлар биринчи бўлиб йигитни бирон ёққа таклиф қилганини, йигитга ҳам, ўзига ҳам пул харжлаганини? -десалар, индамас эди. Ўзини соддаликка олиб, чурқ этмай тураверар эди. Муғомбирлигини эса ҳеч ким билмайди, деб ўйларди...

Бироқ, ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Бир кун келиб, бундай қурумсоқларнинг ҳам омади чопиб қоларкан...

Кунлар ўтиб бораркан, у муҳаррир бўлиб хизмат қиладиган нашриёт ёнгинасида жойлашган дорихонага тез-тез кириб турадиган бўлиб қолди. (Нашриётнинг номини ҳам, дорихона манзилини ҳам одоб юзасидан сир тутамиз). Бунга сабаб қари онасига лозим бўлиб турадиган дори олиш эди. У ерда қош-кўзи қоп-қора, сочлари доимо ҳурпайиб турадиган, шу йили фармацевтика институтини тамомлаб келган оппоқ пахтадек провизор қиз ишлар эди. Инъом (уни "Инъомжон" дейишга ҳам тилим бормаяпти) ҳар гал дорига кирганида шу қизга одатини қилиб кўз ташлаб, кўз уриштириб чиқар эди. Гоҳида арзимаган тўрт тийинлик аспиринни баҳона қилиб ҳам дорихонага қадам ранжида қилган пайтлари бўларди. Бироқ қизга айримча сўз қотишга, уни гапга тутишга, шу усулда у билан яқиндан танишиб олишга ҳадди сиғмас эди. Бир куни китоби нашрдан чиққан бир муаллиф хонада ўтириш қилиб берди. У арок ичди. Феъли ўзгарди. Ширакайфида дорихонага кириб, ўша қизни гапга солишга жазм қилди. У, табиатан, кайфида ботир ва танти бўлиб кетар эди. Шу бўлиб, Инъом дорихонага шашт билан кирди-да, бир ўзи пештахта ортида турган қизга гап қотди:

- Йўтал дори борми?

- Бор. Қанақаси керак?

- Оддийсидан бераверинг.

- Оддийси, мана терпингидрат. Ҳам балғам кўчиради, ҳам йўтал қолдиради. Бир қоғози бир тийин.

- Мана, ўн тийин. Қайтими керакмас.

- Йўқ, майдангиз бўлмаса, ўн қоғоз ола қолинг, мана.

-Қиз бир даста қилиб дорини узатди. Инъом дориларни оларкан, қизни гапга тутди:

- Сиз бу аптекага яқинда келдингиз, шундайми?

- Ҳа, шундай...,- деди қиз, қаро кўзларини унга тикиб.

- Қаранг, дори деб, бу ерга кираверив сизни анча таниб қолдим. - "Ёқтириб қолдим" демоқчи эди, журъати етмади. - Биргина ойим билан тураман. У киши тез-тез бетоб бўлиб турадилар. Улага сизга ўхшаган шунақа келин бўлса эди...

- Шифокор қизлар ТашМИда тўлиб ётибди-ку.

- Шундайку-я, лекин сиздақаси фақат шу ерда экан-да...

- Нима учун? ТашМИнинг қизларидай чиройли қизлар бошқа институтларда кам. Ҳамма буни тан олади...

- Бўлса бордир. Аммо, мен ёқтирган қиз фақат шу ерда, -деди Инъом дадиллашиб ва тўсатдан:

- Сиз бунга нима дейсиз? -деб юборди, дам қизариб, дам бўзариб тураркан.

- Нимага, нима дейишим керак?

- Ойимлага келин бўлишга-да?

- Қиз ҳанг-манг бўлиб қолди. Унинг учун Инъомнинг бу гаплари токчадан тушиб кетган доридан бўшаган шиша идишдай эди.

- Қизиқ гап қилдингиз-ку... Мен сизни танимасам...

- Танишайлик, девомман-да... Исмингиз нима?

- Маъмураой, -деди уялибгина, қизариб...

Қиздир, йигитдир оила қуриш балоғатига етгач, бундай пайтларда тенгим чиқиб қолармикан, деб илҳақ бўлиб туради. Бу ҳеч кимга сир эмас. Бу-ёшларнинг иши. Маъмураой ҳам шу топда қош-кўзлари бинойидай, қадди-басти кўркам, бўйликкина, нимаси биландир қизларни ўзига жалб қиладиган, кўйлаги ярашиб турган йигитга ўзида мойиллик сезди.

Инъом қиз унга ўз исмини айтганидан хурсанд бўлгандай ўзини тутаркан:

- О, жуда чиройли исм экан. Исмингиз менга ўзингиз каби жуда ёқди... Маъмураой! -деди, кинолардаги жентельменларнинг гапига ўхшатиб. Маъмураой қизариб кетди. Бу хилдаги хушомадни у ҳеч қачон эшитмаганди. Одатда, йигитлар қизларига шунақа хушомад қилармидилар-йўқми у буни ҳам билмасди. Ҳар қалай Инъом журналистикани битирган эди-да. У гапида давом этди:

- Маъмураой! Нима учун сиз менинг исмимни сўрамайсиз? Ахир, менинг ҳам исмим бор...

- Қиз қизарганча жим тураверди. Инъом унинг сукутини мойилликка йўйиб сайраб кетди:

- Менинг исмим Инъомжон. Аллоҳ мени ота-онамга инъом этган экан. Зора мени сизга ҳам инъом этган бўлса!

- Яхши... Инъомжон ака, иш вақти тугаб қолди. Мен дорихонани ёпишим керак.

- Майли, ёпақолинг. Мен сизни ташқарида кутиб тураман. Уйингизга обориб қўяман. Бир йўла уйингизни ҳам кўриб келаман, -деди. Маъмураой "Унинг машинаси бор экан-да" деб ўйлаб, айтарли эътироз билдирмади. Кўчага чиққан эди, Инъомнинг такси тўхтатиб турганини кўрди. Нима қилсин, истар-истамас у билан бирга таксига ўтирди. Такси бўлса, бир зумда уларни манзилга етказиб қўйди. Қиз минг хижолатда таксидан тушди-ю, "раҳмат" дея уйига кириб кетди. Инъом эса уйига оборадиган автобус бекатигача таксида қайтди-да, берган пулининг қайтими 20 тийин экан, сўраб олди. Таксичи ярим ҳазил оҳангда "Қурумсоқроқ экансизми, ука", -деди-ю, "Волга"сига газ бериб бир сонияда кўздан ғойиб бўлди. Инъом эса шу 20 тийин билан уйига етиб олди...

Орадан икки ой ўтди, деганда пешона экан, уларнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Тўй кам харж билан сипогина ўтди. Ундан Маъмураойнинг кўнгли тўлмади. Начора, никоҳ тўйни одатда куёв қилади. Куёв ва унинг томони "яқинда участка қурдик, хафа бўлмайсизлар-да" дея узр айтган бўлишди. Тўғри-да, қиз бахтини дабдабали тўй белгилаб бермайди-ку. Ёшларнинг қанча орзу-ҳаваслари бўлса, олдинда!... Участка бўлса, бор!

Ҳаётда кўпинча қиз томонни куёв томоннинг участкаси кўпроқ қизиқтиради. Куёвнинг участкаси унинг камчиликларини ва бошқа нуқсонларини кечириб юборишга катта омил бўлади. "Қизим участкали хонадонга келин бўлиб тушаяпти", деган сўз қизга ҳам, ота-онасига ҳам фахр бағишлайди. Чунки, "Қизим "дом" га тушар экан, қачон "участка"ли бўлишади?" деган хаёлдан улар унашиш пайтидаёқ қутулишган бўлади. Шу ўй уларни қуда томоннинг кўп талабларига "хўп" дейишига мажбур этади. Аммо яна бошқа ҳолларда, айтайлик, куёв томоннинг участкаси қудалар орасида ғиди-биди чиққанида, оила аҳли нобоп чиқиб қолганида ҳеч нарсага арзимас матоҳ экани маълум бўлиб қолади ёки тақдир тақозоси билан бу келин сал вақтдан кейин "дом"га чиқиб кетишга мажбур бўлади. Ёинки, нима бўлади-ю, "участка" бу келинга насиб этмайди... Ҳолбуки, яна таъкидлаймиз, келин-куёвга фотиҳа тортилаётганда шу участка ҳаммасининг оғзида, кўзида бўлади...

Икки ойдан кейин Маъмураой ҳомиладор бўлди. Ўзининг боши севинчдан осмонга етган бўлса ҳам, куёви Инъомжоннинг хурсандчилигида буни кўрмади. Писмиқ одамга чиқимдорлик қўшиладиган бўлганда у ҳамиша беш баттар индамас бўлиб қолади. Маъмураой эрининг бу аҳволини кўриб уни яна ҳам тушуна олмай қолди...

Қиш кириб, совуқ тушиб қолди. Маъмураой ота-онасини кўриб келиш ниятида қизлик уйига борди. Отаси оғироёқ қизини туфлида кўриб юраги ачишди. Куёвидан росмана хафа бўлди. Келин сарпосига қўйилган этик омонат чиқиб, у этиксиз қолган экан. Ота қизига дарҳол пул бериб "бугуноқ этик олиш"ни тайинлади. Маъмураой "хўп" деди ва қайтишда уйига этикда кириб борди. Буни кўрган Инъом "Муборак бўлсин, этиклар!" -деди, қўйди. Ҳатто, "этик оберишдан қутулибман", деган маънода суюнди ҳам...

(Давоми 13-бетда)

(Боши 12-бетда)

Маъмурахоннинг ой-куни яқинлашиб қолди. Бешик тўйидан гап чиқди. Инъомнинг кўнгли яна ҳам ёришмай қолди, ўйлай-ўйлай у бир амаллаб қуда томонни бешик тўйи қилмасликка, 5-6 нафар аёл билан бешик ва у билан боғлиқ расм-русм жиҳозларини олиб келишга кўндирди. Бирга келадиган меҳмонларни қиёмига етказиб кутиб олишга ваъда қилди. Ниҳоят, бола туғилди. Ўғил экан. Арзимас бўлса ҳам доя дўхтирларга совға, санитарларга совға, унга суюнчи, бунга суюнчи каби чиқимлар унинг тинкасини қуритди. Пул, деса ранги ўчадиган бўлиб қолди. Вақти келган эди, қўшнисининг “Москвич”ида чақалоқни эсон-омон уйига олиб келди. Шув этиб, Инъомнинг харжлари кўпайгандан-кўпайиб бораверди. Маъмураойининг декрет пуллари ҳам тамом бўлди.

# ҚУРУМСОҚ ЭР

Ота-онасидан чақалоққа уни-буни олиб беришларини сўрай бошлади. Тезроқ бешик ва унинг жиҳозларини олиб келишни тайинлади. Улар олиб келишди. Аммо, бирга келган меҳмонларни кутиб олиш Инъомнинг берган ваъдасидай бўлмади. Тағ-тахтли, тўкин дастурхонни онаси ва Маъмураой номусдан ўлиб бўлишди. Сал кам ёзувчиман, моҳир таржимонман, ишхонада кичкина одаммасман, деган Инъом ўзини кўрсата олмади. Унинг қаттиқлиги, қурумсоқлиги хотинига ҳам, қуда томондагиларга, ҳаммага очиқ-ойдин маълум бўлиб қолди. Эркаклар қўл силтаб, аёллар этак қоқиб кетадиган муҳит юзага келди. Ҳолбуки, Инъомда озроқ бағри кенглик, ҳиммат, тантилик бўлганда эди, чиқимнинг чорасини олдиндан кўриб қўйган бўларди. Ҳамма нарсанинг эви топилгандек бунинг ҳам эви топилар эди. Инъомда худди шу одамийлик етишмас эди. Шу туфайли, у борини ҳам юзага чиқара олмади. Хотин қанча уринмасин, эри унинг “қўлини кесиб” тураверди. Оқибатда, “қурумсоқ куёв”, деган ном олди...

Энди сал орқароққа қайтсак. Инъом тўйдан кейин эр-хотин ўртасида бўладиган оила сарф-харажатларини тузишдаёқ янглиш йўл тутган эди. Бу ҳам унинг шу қурумсоқлигидан келиб чиққан бўлса, ажабмас. У нима қилди? Тўй ўтгач, келиннинг чилласи чиқар-чиқмас унга шундай шарт қўйди, яъни, хотин ўз моянасини ўзи сарфлайди, кийим-кечакларини эр рухсати билан ўзи олади. Ош-овқатга ҳам пул ажратиб туради. Бозор-ўчар, рўзғор ишларини эр бажаради. Уйга келадиган барча солиқ-чиқимларни эр тўлайди. Иморат кам-кўстларини тўғрилаш ҳам эр зиммасида ва ҳоказо. Қисқаси, хотиннинг пулига эр, эрнинг пулига хотин тегмайдиган қилиб белгилаб қўйди. Маъмураойнинг хаёлига келмаган бу расмиятчилик уни ниҳоятда ранжитди. Унинг назидa оилани мустаҳкамлайдиган, унга маъно-мазмун бера оладиган омиллардан бири-ўртадаги пул эди. Пул ўртада бўлмагач, унга путур етиши ҳеч гап эмас эди. Яхшиямки, бола туғилди. Фарзанд—ота-онани боғлаб турувчи асосий ришта. Фарзандлар кўпайиб борган сайин бу ришта ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Ҳамма оилада шундай. Фақат Инъом оиласида бундай бўлмади. Инъом ўғилчасига ўлиб-кутилиб талпинмади. Маъмураой назарида, унга меҳр ҳам қўймади. Ваҳоланки, ўғил худди отасининг ўзи эди. Шу ҳам унинг муҳаббатини ўзига товлантира олмади. Ота фарзандини эркалаб-ардоқлаш у ёқда турсин, у билан бегоналарга ўхшаб муомалада бўлди. Маъмураой буни нафақат сезарди, балки кўриб турарди. Ёзнинг айни пишиқчилик вақтида ҳам боласига сут бўлсин, деб хотинга мева-чева кўтариб келмасди. Олма-ўрикда нима бор, фақат сув дерди, ўзини оқларди. Маъмураой тушундики, бу эрда хотинга ҳам, фарзандга ҳам меҳр йўқ, муҳаббат эса ҳеч қачон бўлмаган экан. Во дариғ! Маъмураой алданиб қолибди-ку!... Бир куни шу ҳақда эрига гап чиқарган эди, балога қолди: “Нега ўғлимни хуш кўрмас эканман?! Сени нега севмаган эканман?!”, -дея уни силтаб ташлади. Меҳр ва муҳаббат қонида бўлмаган одам улар қанақа бўлишини қаердан билсин?! Шу бўлди-ю, ўзи шундоқ ҳам сершубҳа Инъом: “Хотиним мени ўзига бўйсундириб олмоқчи”, деган гумонда Маъмураойни бекордан-бекорга жеркиб турадиган бўлиб қолди. Қайнонасининг эса эр-хотиннинг ўртасига тушадиган одати йўқ экан. Келин дардини кимга айтишини билмай юраги сиқиладиган бўлиб қолди. Ота-онасига айтса, эридан эшитадиганини эшитади. Жанжални катталаштириб юборса ўртада фарзанд бор. Она унга жабр бўлишини истамайди! Уларнинг турмуши совиди. Бир куни Инъом хотинига “Гинекологга бориб бўйида бўлмаслик чорасини кўриб қўйиш”ни топширди. Нима мақсадда шундай қилишини эса айтмади. Айтмади-ми..., буни хотинидан бекитди-ми, демак эрининг нияти бўлак... Шундоқ ҳам ҳамма нарсани хотинидан сир тутиб юрадиган Инъомнинг бу топшириғи Маъмураойни эҳтиёт бўлишга, бирор ножўя гап гапириб қўймасликка огоҳлантириш бўлди. Орага тушган совуқчилик эса кучайгандан-кучайиб борди. Эр-хотинликнинг тунги ҳаётига ҳам путур етди... Келин бу писмиқ эрининг кўнглидан нималар кечаётганини тушуна олмай хавотирга тушди. Эрини ўзига иситиб олиш чораларини кўрди. Масалан, чеҳрасини очиб, ҳеч нарса бўлмагандай юраверди. Ёстиқдошига бўлган ширин муносабатини сақлаб борди. Ўғилчасини ўзи боғчага жойлаб, ишга тушиб кетди. Озми-кўпми маош олиб, тирикчиликка ўз ҳиссасини қўшиб юрди. Баъзан зарурият туғилганда ота-онасидан пул сўраб кам-кўстига яратадиган бўлди. Аммо, нафи бўлмади. Кунларнинг бирида Инъом ўзи қўшимча пул топишни рўкач қилиб, Маъмураойдан “Сен ҳам маошингдан ташқари пул топсанг керак. Уни қаерга, нимага ишлатаяпсан?” деб зуғум қилди.

Бу хаёл аслида шу кунга келиб туғилган эмас эди. Бу хаёл у Маъмураой билан дастлабки танишган кунларида миясига келган эди. Унга уйланаётган кезларида ҳам “аптекачилар пул топармон бўлишади”, деган фикрда қизга янада қаттиқроқ ёпишиб олган эди. (Ҳа, пул ўлсин-а, пул ўлсин)...

Ота-онаси ҳурлардай покиза қиз қилиб тарбиялаган Маъмураой буни эшитиб қалби чок-чокидан сўкилиб кетди. У эридан бутунлай совиди. Эри уни ҳаром пул топишга, жиноятга қўл уришга бошлаётганини фаҳмлади. Ўртага тушган совуқчиликнинг ҳам чегараси бўлар экан. Маъмураой бундан ортиғига дош бера олмади. У эрига:

“Нима, сизга пул топиб келиш учун камчил, ноёб дориларнинг устига ортиқча пул қўйиб сотишим, харидорларга қайтимини бермаслигим, улар ҳақидан уриб қолишим керак экан-да, а?!”,-деди, йиғлади. Шунда писмиқ эр хотинига тарсаки тортиб юборди.(Оҳ! Пул ўлсин-а, пул ўлсин!). Тарсаки Маъмураойга ерга уриб чил-чил қилинган ликобчалардай таъсир қилди. “Хаммаси тамом,-ўйлади у ва эртасигаёқ кузнинг изғирин шамолидан боласини бағрига босиб ота-онасиникига кетиб қолди. Бутун айб ўзидалигига ақли етган Инъом орадан анча кун ўтган бўлишига қарамай, хотини билан ўғлини бориб олиб келишга ўзида жасорат топмади. Унга “Аммамнинг бузоғи”, деб бекорга лақаб қўйишмаган экан-да! Онасини эса ўз можароларига қатъиян аралаштирмади. Бирор совға-салом билан фарзандини кўриб ҳам келмади. Эр бўлиб, эрнинг ҳам, ота бўлиб, отанинг ҳам кўксидаги нимтаси юрак эмас, кесак экани ҳамманинг оғзига тушди. Бундай худбин эр билан бундан буён яшаб бўлмайди, дейишди маслаҳатгўйлар...

Кунлар кетидан кунлар ўтди. Маъмураой эрини ҳам, боласининг отасини ҳам қалбидан бутунлай ўчириб ташлади. Аслида “ўчириб ташлади” эмас, ўзи омонатгина турган экан, ўз-ўзидан ўчиб, йўқ бўлиб кетди...

Орадан бир неча ой ўтибди. Бирон марта ҳам ўғил “Адам қанила?” ёки “Адамга бораман”, деб ғингшимабди...

Вақти етиб келган экан, суд уларни ажратиб юборибди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас эса Маъмураой бир жарроҳ доцентга турмушга чиқиб, бахтли-саодатли ҳаётга мушарраф бўлибди. Ўғли янгидан янги укаларга ака бўлиб, шоколадларга роса тўйибди... Орадан беш йил ўтди, деганда Инъом ҳам бир кимё фанлари номзодига уйланибди. Аммо, кўпам бирга яшамай турмушлари бузилиб кетибди...

“Феълингдан топ, феълингдан топ, феълингдан... !” деганлари шу экан...

**Азимжон ҚОСИМОВ.**

# ҚЎШМАЧИНИНГ ЖАЗОСИ

Суҳбатдошим Раҳматулла. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидан. Хизмат юзасидан кўп жойларда бўлади. Ажойиб-ғаройиб воқеалар ҳақида эшитади, баъзан гувоҳ бўлади. Гапнинг пўстkалласи сирли воқеаларга қизиқади. Шунинг учун ҳам кўрган ё эшитганлари хотирасига муҳрланади.




- Хизмат тақозосига кўра мен бориб турадиган қишлоқда рўй берган воқеа анча шов-шувга сабаб бўлган эди, -ҳикоя қилади у. - Қишлоғимизнинг қабристон билан туташ қисмида бир ҳовли бор. Унда чиройли, келишган ёлғиз аёл яшарди. Анча вақт бу аёл безовта яшашига тўғри келган. Айтишларича, кун ботиши билан аёл хонадонига қабристон томонидан тош отила бошларкан. У тош отувчиларни тутиш учун милицияга мурожаат этди. Бу ерга хизматга жўнатилган ходимлар “айбдорлар”ни тутиша олмайди. Улар келишганда тош отилмас, кетиши билан яна отилаверар экан. Охири аёлга ҳовлини сотиб бошқа жойга кўчиш маслаҳат берилади. Харидор ҳам анойи деб ўйлайсизми? Уй эгасини сўраб-суриштиради, рўй бераётган воқеадан огоҳ бўлгач олмай кетаверади.

Эшитишимча, ҳалиги аёл бир нечта қизларни уйида сақлаб қўшмачилик билан шуғулланган экан. Ўзи инсофга келмагач қабристондаги арвоҳлар нопок аёлни тартибга чақирмоқчи бўлган, шекилли. Хуллас, тош ёмғирига бас келолмаган қўшмачи аёл ҳозир бу ерда яшамайди. Жонини олиб тинч жойни излаб кетган. Қизлар ҳам йўқ. Оллоҳнинг изн-иродаси билан қабристондаги арвоҳлар нопокликка барҳам беришган.

- Бу воқеани шов-шув қилиб ёзсангиз ҳам бўларди, -дейди Раҳматулла. -У ер-бу ерда нопок йўлни танлаб, қўшмачиликни тирикчилик манбаига айлантирганлар ҳақида эшитамиз. Шоядки, бу воқеадан огоҳ бўлгач, шундайлар нопок йўлдан қайтсалар.

Суҳбатдошим тўғри айтади. Ён-атрофимизда хушёр боқсак, юқорида ҳикоя қилганимиз-аёлга ўхшаганлар бўлса тартибга чақирсак, бу яратганга ҳам хуш ёқарди. Бефарқ бўлмайлик.

*Сирли олам*

# МОРБОЗНИНГ АЖАЛИ

- Бу воқеани қишлоқлардан бирида ёши улуғ кишилардан бири гапириб берганди, -ҳикоя қилади Раҳматулла. - Уруш йиллари. Етишмовчилик кучли. Қишлоққа бошқа бир вилоятдан бир морбоз келади. Унинг олиб юрган илони баҳайбат, ёшу кексани сескантирадиган даражада. Оғзини очса одамнинг боши бемалол кириб кетади. Морбоз чойчақа ишлаш учун шу илони билан ўйнашаркан. Бўйни ва белига ўралтирар, илоннинг оғзини очиб бошини тиқиб оларкан. Бир галги томошасида морбоз бошини илоннинг оғзига чуқурроқ киргизибди. Илон морбознинг бошини қисганми орқага қайтиб чиқиш ўрнига ичкарига кета бошлабди. Аста-секин ичкарига тортилган морбоз кўринмай кетибди. Илоннинг танаси йўғон тортиб, эгасини бутунлай ютиб юборибди. Сўнг илон аста изига бурилибди-да яқинида турган дарахтга бориб ўралибди. Унинг ичида қисилган морбознинг суяклари синганми, қисирлаган овоз эшитилибди. Томошабинлар шу дақиқадан бошлаб уй-уйларига ура қочишибди...

Морбознинг ажали мор (илон) дан дейишади. Воқеани ҳикоя қилган отахон бунга ўзи гувоҳ бўлган. Шу томоша аслида керакмиди? Тирикчилик морбозни шу кўйга солган. Эҳтиётсизлиги илонини ажалга айлантирган.

Илон-илон-да. У билан ўйнашиб бўладими. Унинг ғашига тегса ўч олмай қўймайди.

**Мўмин ХОЛМУРОДОВ.**
**Қарши шаҳри.**




# ТАШҚИ ҚИЁФАДА ГАП КЎП...



**Бизнинг ташқи қиёфамиз жамиятда қандай даража ва қандай поғонани эгаллаганимизни намойиш этишини унутмаслигимиз лозим. Қуйидаги маслаҳатлар замонамизнинг энг илғор вакиллари—ишбилармон эркакларга тегишли**

**1. *ЭРКАКЛАР КЎЙЛАГИ.*** Гавда тузилишига, тана рангига мос кўйлак танлай билиш ҳам ўзига хос санъат ҳисобланади. Сиз бу кўйлакда ўзингизни эркин ва қулай ҳис этишингиз керак. У гавдангизда худди фақат сиз учун тикилгандек туриши лозим. Мабодо, сиз хорижликлар, айниқса, европаликлар билан тез-тез музокаралар олиб борадиган ишбилармон бўлсангиз, фақат расмий тусдаги, оқ ёки бошқа ёрқин рангдаги, катакчали ёхуд гулдор бўлмаган кўйлак кийишни маслаҳат берамиз. Шу ўринда енги калта кўйлак ҳақида ҳам икки оғиз сўз: узоқ йиллар Европанинг йирик фирма ва компанияларида ходимларнинг хатто иссиқ кунларда ҳам ишга енги калта кўйлак кийиб келиши таъқиқланар эди. Бугунга келиб эса вазият кескин ўзгарди. Энди ишга, турли тадбир ва музокараларга, учрашувларга бемалол енги калта кўйлакда ҳам келса бўлаверади.

**2. *БЎЙИНБОҒ.*** Ёдда тутинг: бўйинбоғ кўйлакнинг ёқаси қандайлигига қараб танланади. Сўнгги урфдаги кенг ёқали кўйлакка кенг ва тугуни катта, ёқасининг бурчаги тугмалаб қўйиладиган кўйлакка эса оддий тугунли бўйинбоғлар мос келади. Тўғри тугилган бўйинбоғнинг тугуни остида кичкина чуқурча бўлади.

Бўйинбоғ харид қилишда эътиборли бўлинг! Сифатли бўйинбоққа, у қандай матодан тикилганидан қатъи назар, муслин тўлдирилган бўлади. Шу боис бундай бўйинбоғнинг тугуни чиройли чиқади. Ҳеч қачон бўйинбоғингиз тугунини бўшатиб, осилтириб юрманг. Бу сизнинг дидсизлигингиздан далолат беради.

**3. *КАМАР.*** Шимга ҳар доим, бунга эҳтиёж бўлмаса ҳам, шим белда яхши турса ҳам, камар тақишга одатланиш керак. Айниқса, сиз жинси ёки chinos услубида тикилган шим кийишга одатланган бўлсангиз, камарсиз ҳеч ҳам иложи йўқ. Шу билан бирга харид қилган камарингиз жуда ҳам узун ёки аксинча, жуда ҳам калта бўлмасин. Яна бир жиҳат — камар ҳар доим оёқ кийимингиз билан бир хил рангда бўлишига аҳамият беринг. Ҳар хил безаклар берилган, турли тақинчоқлар тақилган ҳашамдор камарлардан эса узоқроқ юрганингиз маъқул. Камар оддий, аммо сифатли бўлсин.

**4. *ОЁҚ КИЙИМ.*** Оёқ кийим харид қилишда биринчи галда унинг сифатига эътибор қаратинг. Тўғри, сифатли туфли анчагина қиммат туради, аммо у шунга яраша узоқ хизмат қилишини ҳам унутманг. Агар имкони бўлса, ҳар доим битта ёки иккита ишлаб чиқарувчининг ўлчами ҳам, бичими ҳам оёғингизга мос келадиган, қулай маҳсулотини сотиб олишга одатланинг. Яна ҳам яхшиси чўнтагингиз кўтарса, бирданига икки-учта турли рангдаги туфли олиб қўйинг. Гардеробингизда албатта қора туфли бўлсин. Расмий учрашувларга эса классик услубда тикилган боғичли туфли кийган маъқул. У бутунлай силлиқ, ёки турли нақшли, хатто ёзга мўлжалланган четлари тешикчали бўлиши ҳам мумкин.

**5. *КОСТЮМ (пиджак).*** "Пиджак худди эски тўқима нимчангиз каби қулай бўлиши лозим. Уни кийиб ўзингизни эркин ҳис этишингиз керак. Уни якин уч йилда жавонга илиб қўйиб, ёддан чиқариб юборишингиз ҳам мумкин. Аммо у сифатли матодан ва дид билан тикилган бўлса, бир умр киясиз". Бу фикрнинг муаллифи италиялик машҳур дизайнер Жоржо Армани. У ҳақ. Ростдан ҳам ноқулай пиджакни кийганда одам ўзини бегона қолипга тушиб қолгандек ўнғайсиз сезади. Яхши пиджакнинг эса ушлаб кўрганда ипакни эслатувчи астари бўлади. Этаклари текис, чўнтакларининг ички қисми пахталик матодан бўлиши лозим. Ёқасининг ички ва ташқи қисми қўлда тикилган бўлишига ҳам эътибор қаратинг. Тикиш ўрни эса фақат ёқанинг ички томонидагина кўриниб туради. Елка ёстиқчалари ўртача бўлиб, пиджакни кийганингизда елкангиз текис чизиқ ҳосил қилиши шарт. Тез-тез бўлиб турадиган расмий учрашувлар учун қора, ёрқин кул рангли, кўк, тўқ кўк ва қорамтир кўк рангли пиджак ва костюмлар тавсия қилинади. У бир хил рангли ёки майда катакчали, сезилар-сезилмас ингичка чизиқли бўлиши мумкин. Пиджак ва костюмнинг қанчалик қулай, гавдага мос, сифатли бўлиши у қандай матодан тикилганига ҳам боғлиқ бўлади. Табиий жун матодан тикилган пиджаклар ҳамма замонларда ҳам сифати ва қулайлиги билан ажралиб турган.

**6. *ШИМ.*** Худди пиджак ва костюм сингари шим ҳам сифатли ва қулай бўлиши керак. Шу боис бу борада тежамкорлик ярамайди. Агар сиз узоқ вақт машинада юрсангиз, ёки иш юзасидан соатлаб ишхонада ва турли тадбирларда ўтиришингизга тўғри келса, шимингиз ғижим бўлиб, тиззаси эса бўртиб қолиши мумкин. Шунинг учун шим танлаганда ҳам худди пиджак ёки костюм сингари талабларга риоя этиш лозим. Ишга кийиладиган шим қора, тўқ кўк, кул рангли, матоси эса имкон қадар шерст бўлгани яхши.

Мабодо сиз меъмор ёки қурувчи инженер бўлиб ишласангиз, бир томондан шунга мос тарзда расмий кийим кийишингиз, иккинчи томондан эса, станоклар ўрнатилган цехларда ёхуд қурилиш майдончасида бўлганингизда тез кирланишини эътиборга олишингиз лозим бўлади. Шу туфайли бу каби касб эгаларига қора, тўқ яшил, кул рангли шим, тўқроқ рангли кўйлак ва унга мос бўйинбоғ, об-ҳавога қараб пиджак, чарм куртка ёки плаш кийиш тавсия қилинади. Велвет шимларни эса фақат ишдан бўш вақтларда кийган маъқул.

**7. *ИЧКИ КИЙИМ.*** Худди чавандозлик спорти қатнашчиси-жокейнинг кийимини ёдга солувчи ички кийим эркаклар учун ҳамма даврларда классик ҳисобланган. Одатда Миср пахтасидан тўқилган матодан тикилган ички кийим энг сифатли, деб баҳоланади. Шунингдек, кейинги пайтларда юқори сифатли сунъий матолардан(уларга маълум миқдорда пахта ёки ипак тола аралаштирилган бўлади) тикилган ички кийимлар ҳам урф бўлиб бораяпти.

Ички кийим хоҳишга қараб оқ, қора, кўк, қизил ёки бошқа рангли бўлиши мумкин.

**8. *ПАЙПОҚ.*** Иссиқ кунларда шим, бошқа пайтларда эса костюм-шим билан оқ пайпоқ киядиган эркаклар ишбилармон доираларда ҳам, аёллар ўртасида ҳам эътибордан четда қолишлари тайин. Чунки одатда оқ пайпоқ фақат дам олиш кунларида ва шу билан боғлиқ тадбирларга кийилади. Расмий доираларда йиллар давомида ўзгармай келаётган битта қоида бор: пайпоқ албатта шим билан бир хил рангли бўлиши шарт. Яна бир неча талаблар: гулдор ёки ҳайвонларнинг расми туширилган, таркибида сунъий толалар – синтетика кўп бўлган пайпоқлар кийманг. Синтетик пайпоқ оёқни тез терлатади. Бу эса атрофдагиларда нохуш ҳисларни уйғотиши мумкин. Энг маъқули, таркибида 10-20 фоиз атрофида синтетика бўлган пахта, ипак, жун толали пайпоқлар харид қилинг.

**9. *ДАСТРЎМОЛ.*** У эркак кийиминнинг ажралмас, хатто энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Дастрўмолнинг қандай рангда бўлиши у қадар муҳим эмас. Аммо имкон қадар дастрўмол ипак ёки пахта толали матодан бўлгани яхши. Ранги уникиб қолган дастрўмол олиб юрманг. Қолаверса, иложи борича, уни ҳар куни(айниқса ёз фаслида) алмаштириб туриш керак.

**10. *КИЙИМ МУТАНОСИБЛИГИ.*** Иш юзасидан бўладиган учрашувнинг вақти ҳамда вазиятга қараб кийимлар мутаносиблигини таъминлашингиз мумкин. Агар учрашувингиз ўта расмий характерли бўлса, ҳеч қандай гап-сўзсиз, албатта оқ кўйлак, қора костюм-шим, қора туфли кийиб, шунга мос рангли бўйинбоғ тақасиз.

Учрашув у қадар расмий бўлмаса, тўқ рангли шим, эркин услубда тикилган пиджак ва кўйлак кийиб, хоҳишга қараб бўйинбоғ тақишингиз мумкин. Вазият имкон берган ҳолларда ҳаво рангли жинси шим, қора пайпоқ, мокасин услубида тикилган енгил қора туфли, кўйлак устидан оддий ёки чармдан тикилган пиджак кийсангиз ҳам бўлади. Яна бир вариант: ёрқин рангли шим, қора пайпоқ, классик услубдаги қора туфли, кўйлак, бўйинбоғ ва пиджак.

**11. *ҚЎШИМЧА ВОСИТАЛАР.*** Эркак кишининг соат ва тилла буюмлар тақишининг ёмон томони йўқ. Аммо бунда ҳам меъёр, вазият ва ҳолат каби талабларни унутмаслик лозим. Расмий учрашувларга сифатли, аммо кўзга ялт этиб ташланмайдиган соат таққан яхшироқ. Дунёнинг етакчи соатсозлик фирмаларидан бирида ясалган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган тилла соатни эса уйда қолдирган маъқул. Чунки айрим ҳамкорларингизга бу хол мақтанчоқлигингиз намунаси бўлиб туюлиши мумкин.

Қўлингизда тилла браслет, бўйнингизда қалин занжир бўлиши ҳам расмий учрашувлар одоби қоидаларига тўғри келмайди. Бармоқда битта узук бўлса, етарли.

## МАЪҚУЛЛАНАДИ:

- кўзга ташланмайдиган тақинчоқлар, қора пайпоқ;
- кийинишда камтаринлик;
- калта енгли ички кўйлак;
- тўғри танланган бўйинбоғ;
- ғижим бўлмайдиган матодан тикилган кўйлак;
- камар;
- классик услубдаги қора туфли;
- керакли узунликдаги шим;
- юз тузилишига мос кўзойнак;
- таралган, ювиб-таралган сочлар;
- соқол-мўйловнинг қиртишланганлиги;
- тирноқларнинг олинган бўлиши;
- соғлом тишлар;
- чиройли ва тик қомат;
- атрофдагиларга, оламга самимий муносабатда бўлиш.

## МАЪҚУЛ ЭМАС:

- кўзга ташланадиган кийим;
- керагидан ортиқ тақинчоқлар, пирсинг(тананинг турли қисмларига чизилган расмлар);
- оқ пайпоқ;
- кўйлакнинг ичидан кўриниб турадиган майка ёки ички кўйлак;
- гавдага мос бўлмаган кўйлак;
- бўйинбоғнинг йўқлиги;
- ўта калта ёки ўта узун шим;
- камар тақилмаган шим;
- таралмаган, ўта узун сочлар;
- нотўғри танланган кўзойнак;
- қиртишланмаган соқол-мўйлов;
- олинмаган тирноқлар;
- кайфиятнинг ёмонлиги.

**ДАРМОН** тайёрлади.

# УЙДА БАЖАРИНГ...



## Харажатсиз гўзаллик!

***Юзни уқалаш қон айланиш ва моддалар алмашинувини яхшилаб, юздаги мушакларни мустаҳкамлайди, шу боис тери тетик ва ёш кўринади. Тўғри, юз уқалашни фақат махсус-косметолог бажариши мумкин. Лекин, косметолог ҳузурига боришга кўпчиликда маблағ ва имконият йўқ! Агар эринмасангиз, уқалашнинг айрим усулларини ўрганиб, уйда ўз қўлларингиз билан муолажани бошланг!***

Юз уқалаш муолажасини бошлашдан олдин терини яхшилаб тозалаб олиш зарур. Уқалаш муожаласини кечқурун, уйқуга ётишдан аввал юзга озроқ ёғли крем сургандан кейин бошлаш лозим.

Уқалашни бошлаш учун - тўртта ўнг ва тўртта чап бармоғингизни оғиз бурчакларига қўйинг. Кейин айланма ҳаракатлар билан ёноқ ва қулоқ солинчоқлари томонга қараб, ҳаракатни давом эттиринг. Спирал шаклида аввал олдинга, кейин эса орқага қараб уқаланади.

Бурунни уқалашни эса кўрсаткич ва ўрта бармоқларнинг учи билан, бурун кемирчагидан бошлаб, олдинга ва орқага бурун учига (ҳар икки томон ҳам бир вақтда) қараб давом эттирилади.

Пешонани ҳар икки қўлдаги бармоқларнинг учи билан ўртасидан чаккага, айланма ҳаракатлар билан уқаланади. Сўнг ўнг чаккадан чап томонга қараб силаб уқаланади.

Кўзлар атрофидаги тери жуда таъсирчан ва нафис. Терини тортиб юбормаслик учун майин ҳаракатлар билан эҳтиёт бўлиб, силаб уқалаш тавсия этилади.

Оғиз атрофини уқалаш учун - ўрта бармоқларни лаб пастидаги чуқурчага қўйиб, айланма ҳаракатлар билан юқори лабга теккунга қадар уқалаш давом эттирилади.

Ияк пастдан юқорига қараб, яъни бўйинга қўшилган қисми билан қўшиб уқаланади. Бўйиннинг иякка қўшилган қисмини уқалаш мумкин эмас. Кафтнинг орқаси билан аста-секин, эҳтиёткорлик билан шапатилаш тавсия этилади.

Бўйинни фақат ён томондан силаш мумкин. Чунки бўйиндаги қалқонсимон безлар жуда таъсирчан бўлиб, терини салга босиш ҳам соғлиққа хавф туғдириши мумкин.

### Юз учун машқлар

Юзни таранг сақлашнинг ўзига хос махсус машқлари бор бўлиб уларни бажаришдан эринманг.

Бу машқлар юз терисининг қайишқоқлигини ошириб, имо-ишора мушакларини мустаҳкамлаб, ажин тушишининг олдини олади. Агар сиз исталган натижага эришмоқчи бўлсангиз, ушбу махсус машқларни ҳафтада бир неча марта кўзгу қаршисида туриб бажаринг.

Машқ пайтида стулга қулай жойлашиб олиб, бел ва иякни тик тутинг. Юздаги ажин тушиши мумкин бўлган жойни бармоқ билан босинг. Енгил толиққан юз машқларни тўғри бажарганлик аломатини билдиради. Бу машқларни бажаргандан сўнг юзга бироота озиқлантирувчи кремдан суриб қўйилади.

### Ажинларни текислаш учун

Кафтларни пешонанинг устига қўйиб, тери салгина босилади. Кейин кўзлар 10 дақиқа давомида юмилиб, шу ҳолатда қовоқлар кўтарилмай турилади.

Оғиз атрофидаги ажинларни силлиқлаш учун, лунж шиширилиб, ичидаги ҳаво у томондан, бу томонга ўтказилади. Бу машқни 7 марта бажариш лозим.

Юқори лаблар атрофида ажин бўлса "у", "и" ва "о" ҳарфлари 10 марта баланд овоз билан аниқ-аниқ қилиб айтилади.

### Ёноғингиз олмадек бўлсин

Нафас олиб, ўнг лунжингизни ҳаво тўлдириб аввал ўнг, кейин чап лаб бурчагидан чиқаринг.

Устки лабингизни имкон қадар олдинга чўзиб, кескин ҳаракатлар билан пастки лабингизни ёпинг. Машқ тўғри бажарилганда ёноқлар зўриққани сезилади. Ушбу машқни бажараётиб, устки лабни иложи борича чўзишга ҳаракат қилинг.

***Диққат! Шуни унутмангки, уқалаш чоғида ҳаракатлар жуда енгил бўлиши лозим. Акс ҳолда терини баттар чўзиб юбориши мумкин. Ҳар бир машқни 4-5 мартадан бажарган маъқул. Юзида йирингли тошмалар, сўгали (экзема, замбуруғ) бор кишиларга уқалаш муолажасини қўллаб бўлмайди. Тук ўсган юзлар, шунингдек, тутқаноқ касали бор, юздаги нерв томири шамоллаган, оғир юрак-томир хасталигига чалинганларга косметик уқалаш муолажаси тавсия этилмайди.***

### Оғиз атрофидаги мушаклар

Бурун тешиклари орқали нафас олиб, ёноқларни куч билан шишириб, ҳавони қаттиқ ёпилган лаблар орасидан пуфлаб чиқаринг. Бу машқни 3-4 марта бажарган маъқул.




### Бақбақангиз бўлса...

✔ Иягингизни сиқилган муштингиз устига қўйинг. Сўнг куч билан оғзингизни очинг. Бу машқни 5-6 марта бажаринг.

✔ Тилингизни чиқариб илонсимон ҳаракатлар қилинг. Машқни 7 марта қайтаринг.

✔ Пастки лабингиз учини аввал тепага, сўнг пастга, диагонал бўйлаб ҳаракатлантиринг. Иягингизнинг ўнг ва чап мушаклари ва бўйинни навбатма-навбат зўриқтиринг. Бу машқларни бажариш пайтида устки лабни қимирлатмасликка ҳаракат қилинг.

### Бўйин мушаклари

Қалам учини тишлаб, ҳавога алфавитдаги барча ҳарфларни ёзинг. Кейин каравотда ётиб, қўлларни белга қўйинг-да, оёқларингизни бирлаштиринг. Сўнг бошингизни аста-секин кўтариб, бўйиндаги мушакларни зўриқтиринг. Машқни 5 марта, ҳар гал 20 гача санаб, бажаринг.

### Осилган қовоқлар...

Ўнг ва чап қўлдаги кўрсаткич бармоқлар ҳар иккала кўзлар бурчагига босилади. Ўнг бармоқни ўнг томонга,- чапини эса чап томонга босинг. Терини салгина тортиб, сўнг босинг. Тепага қараб, киприкларингизни тез-тез пирпиратинг. Устки қовоқларни катта очган ҳолда бу машқни 10 марта такрорланади.

### БУ ҚИЗИҚ!

Юзга тушган ажин ҳеч кимга қувонч бағишламаслиги рост. Бироқ айнан мана шу ажинлар ҳаётимизда катта рол ўйнар экан. Буюк британиялик олимлар ажинлар тери саратонининг олдини олиши мумкинлигини аниқлашди. Улар энг кўп тарқалган тери саратони— карциомани операция қилишди. Бундай беморларнинг териси ажинсиз эканлигига эътибор қаратишди. Сўнг бир неча беморнинг касаллик тарихини ўрганишди. Маълум бўлишича юзларини ажин босган одамларда тери саратонига йўлиқиш хавфи икки баравар кам экан. Оқ ва ажинсиз юзли кишилар саратон хасталигига кўп чалинишаркан. Ажинлар эса теридаги қон томир ҳужайраларини ташқи таъсирлардан асрар экан.

# ПИГМЕНТ ДОҒЛАРГА ҚАРШИ

### Доғ тушиш сабаблари

Одатда пигмент доғларнинг катталиги 1-10 см. катталикда бўлиб, улар эгри-бугри, сарғиш, тўқ жигар ранг ва қорамтир кўринишга эга. Улар тананинг очиқ жойларида, қўл, елка, юз ва елканинг очиқ жойларида бўлади.

✔ Терининг қариши: 50 ёшдан кейин пайдо бўлган "ёш ўтиши белгиси", доғлари дейилади.

✔ Қуёш нурида ҳаддан ташқари кўп тобланиш ҳам доғ тушишига сабаб бўлади. Шунинг учун қуёшда тобланишдан олдин юз, қўл ва кўкракка куйишдан сақлайдиган кремлардан суриб олиш лозим.

✔ Ҳомиладорликнинг учинчи ойидан сўнг баъзи аёлларнинг пешона ва ёноқларига "ҳомиладорлик ниқоби",- деб аталадиган доғ тушади. Одатда улар бола туғилгандан сўнг ярим йил ўтгач йўқолиб кетади. Лекин айрим ёш оналарнинг юзидаги доғлар узоқ вақтгача кетмаслиги ҳам мумкин.

✔ Фотосенбилизация доғи, қуёш нурида куйишдан сўнг пайдо бўлади. Бу ҳолда терининг қуёш нурига, баъзи дори-дармонлар, таркибида косметик моддалар бўлган турли ёғларга нисбатан таъсирчанлиги ошади. Шу боис очиқ қуёшга чиқаётган пайтда атир, одеколон, пудра ва шунга ўхшаш косметик воситалардан фойдаланмаган маъқул. Шунингдек, антибиотик дорилар қабул қилган кишиларга қуёшда тобланиш мумкин эмас.

✔ Баъзи бир гиперпигмент доғлар танадаги бирор касалликдан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан, қалқонсимон безлар фаолияти ва модда алмашинуви бузилиши, жигар хасталиги, сурункали интоксикация ва микроблар ҳам доғлар тушишига сабаб бўлади. Пигмент доғларнинг деярли барча тури қишнинг совуқ кунларида анча оқариб , ёзнинг илк кунларидан бошлаб яна қорая бошлайди. Ҳозирги пайтда пигмент доғларни йўқотиш учун кўплаб воситалар бор.

### Даволаш усуллари

Пигмент доғлардан қутулиш учун аввало шифокор билан маслаҳатлашиш лозим. Энг тўғри ташхисни дерматолог-шифокор қўяди. Касаллик боис тушган доғлар косметик воситалар билан даволанганда ҳам кетмайди. Доғларни даволаш билан бирга С витаминидан (кунига 100-150 мг. дан) 1-1.5 ой давомида, никотин кислотасидан (ВРР витамини) кунига 2-3 маҳал, 50 граммдан ичилади. С витамини лимон, апельсин, наъматак ва қора смородина, кўк пиёз, қалампир, карам, петрушка таркибида бўлса, РР витамини эса картошка, бақлажон, ловия, банан ва анжирда мавжуд.

### Оқартирувчи ниқоб

2 чой қошиқ буғдой унига 1чой қошиқдан сирка ва асал қўшилади. Ҳосил бўлган юмшоқ хамир кулчадек ёйилиб, юзга қўйилади. 15-20 дақиқадан сўнг юз қуруқ пахта билан артилиб, совуқ сув билан ювилади.

### Ҳомиладорлик доғини йўқотиш учун

3 ош қошиқ сутга 1 ош қошиқ спирт аралаштирилади. Ушбу аралашма билан юзга тушган доғлар артилса, кетказади.

### Асал ва лимонни қўшиб...

1 дона лимон шарбатга 2 қошиқ асал қўшилиб, докага шимдирилгач, юздаги доғлар устига босилади. 15-20 дақиқадан сўнг олиниб, юз илиқ сув билан ювилади. Ушбу аралашмани музлаткичда сақлаб, кейинчалик ҳам фойдаланиш мумкин.

### Бодомли ниқоб

Доғларни кетказиш учун бодомли ниқобдан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ярим стакан бодом мағизи устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, 5 дақиқа тиндирилади. Сўнг сувини тўкиб ташлаб бодом гўшт майдалагичдан ўтказилади. Унга яримта лимон шарбати ва 1 ош қошиқ қайноқ сув қўшилади. Аралашмани бўтқа ҳолига келгунча эзиб, юздаги доғларга сурилади. Ниқобни бир ҳафтада 2 марта қўйсангиз кифоя.

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.**




**608** Қизимнинг **ёши 29да.** Асли тошкентликмиз. (Бўйи 170см.) Ишламайди. Лекин уйдаги барча юмушларни жой-жойига қўяди. Бир-биридан ширин пишириқлар пиширадиган пазанда. Саранжом-саришта, чевар. Борган жойини гуллата оладиган қизим ҳали турмушга чиқмаган. 35 ёшгача бўлган, тошкентлик ажрашган, лекин фарзанди йўқ, жиддий бир йигитни куёв қилган бўлардик.

**Манзилимизтахририятда.**

**Зарифа опа**

**609** **Ёшим 56да.** Асли Тошкентликман. Хотиним оламдан ўтган. Бўйим баланд. Фарзандларим ташвишидан қутулганман. Ўғлим билан яшайман. Меҳнаткаш ва ҳалол, ким бўлишидан қатъий назар, инсонни, айниқса аёл кишини қадрлайдиган эркакман. 40-45 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида яшайдиган (бир қизчаси бўлса майли) аёл билан тақдиримни боғламоқчи эдим.

**Манзилим тахририятда.**

**Ахрол ака**

**610** **Ёшим 30 да.** Тошкент шаҳрида яшайман. Ҳали уйланмаганман. Ишлайман. Меҳнаткаш, жиддий, турмуш қийинчиликларини бошидан кечирган йигитман. 30 ёшгача бўлган, (ажрашган бўлса ҳам майли), уйим-жойим дейдиган, ақлли, оғир-вазмин аёлга уйланиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим тахририятда.**

**Убайдулла**

**611** **36 ёшдаман.** Тошкентликман. Иш билан овора бўлиб, вақтида уйланмадим. Бизнес билан шуғулланаман. Ўз уйимда онам билан яшайман. Моддий таъминланганман. Баобрў, тагли-тахтли, оиланинг меҳнаткаш фарзандиман. 30 ёшгача бўлган, иболи, пок, садоқатли аёлга уйланмоқчиман.

**Манзилим тахририятда.**

**Абдулла**

**612** **Ёшим 48 да.** Жиддий сабаб билан ажрашганман. Асли тошкентлик бўлсам ҳам ўзимнинг уй-жойим йўқ. Ишлайман. 40-43 ёшгача бўлган, Тошкентда яшайдиган уй-жойлик аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим тахририятда.**

**Азимжон**

**613** **Ёшим 65 да.** Аёлим қазо қилган. Тошкентликман, ўзимнинг уй-жойим бор. Ишлайман. Бўйим баланд. Онам ва ўғлим билан яшайман. Шу ўғлимни уйлантиришга онасидек бош-қош бўладиган, меҳрибон бир аёл бўлса уйланиб, бирга ҳаёт кечирмоқчиман.

**Манзилим тахририятда.**

**Фарҳод**

**614** **Ёшим 43 да.** Аёлим билан ажрашганман. Тошкентда яшайман. Касбим ошпазлик. Меҳрибон, уйдаги шинамлик ва оиладаги ўзаро меҳру оқибатни қадрлай оладиган эркакман. 40 ёшгача бўлган, ақлли, мулойим, ораста аёлнинг жуфти ҳалоли бўлмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Суръат**

**615** **Ёшим 38 да.** Жиддий сабабга кўра ажрашганман. Нуфузли ташкилотда ишлайман. Вилоятлардан бирида яшасам ҳам яқинда Тошкент шаҳрига кўчиб келмоқчиман. Моддий таъминланганман. 33 ёшгача бўлган, одобли, иболи, турмуш ўртоғини эъзозлайдиган, оққўнгил қиз ёки жувонга уйланиш орзусидаман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Элзод**

**616** Дугонамнинг **ёши 42 да.** Чирчиқда яшайди. Тўрт ёшли қизчаси бор. Қиз туғилгани учун эри ташлаб кетди. Дугонам жуда яхши аёл. Рўзғорини ўзи тебратади. 50 ёшгача бўлган, Тошкент вилояти ёки Чирчиқ шаҳрида яшайдиган, касбли, иш жойи тайин, уй-жойли эркак овоз берса турмушга чиқарди.

**Манзили тахририятда.**

**Иноят**

**617** **Ёшим 32 да.** Ажрашганман. Тошкентда алоҳида уйим бор. Маълумотим олий. Замонавий йигитман. Москвадаги нуфузли ўқув даргоҳларидан бирини битирганман. Ишлайман. Моддий таъминланганман. 30 ёшгача бўлган, ақлли-ҳушли, одобли, тошкентлик қизга уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Абдусамир**

**618** Асли Тошкентликмиз. **34 ёшли** жияним бор. Ҳали турмушга чиқмаган. Олий маълумотли, саранжом-саришта қиз. 38-41 ёшгача бўлган, уйланмаган, ёки (аёли вафот этган), олий маълумотли, ишлайдиган эркак бўлса, узатмоқчи эдик.

**Манзилим таҳририятда.**

**Азиза опа**

**619** **Ёшим 56 да.** Ажрашганман. Тошкент вилоятида яшайман. Фарзандларим уй-жойли. Нуфузли жойда ишлайман. 45 ёшлар атрофидаги, кўркам, бефарзанд ёки ёлғиз аёл бўлса, уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Абдушукур**

**«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам таҳририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.**

# ЎЗ ОИЛАМИЗ БЎЛСА ЭДИ...

**620** - **Ёшим 50 да.** Асли Нурота туманиданман. Исмим Расул. Миллатим тожик. Маълумотим олий. Фан номзодиман. Кўпчилик ҳавас қилгудек ишларни амалга оширганман. Хорижий мамлакатларда ҳам ишлаб келганман. Лекин, инсон ҳаётига мазмун ва бахт берадиган оила масаласида омадим келмади.

**- Нима учун? Ажрашганмисиз?**

- Ҳа, афсуски шундай бўлди. Лекин менда ҳам, аёлимда гуноҳ йўқ. Тақдиримиз шундай экан. Аслида кеч уйлангандим. Лекин аёлим кўп ўтмай руҳий хасталикка чалинди. Уни кўрсатмаган шифокоримиз қолмади. Бироқ, унинг касали бедаво бўлиб чиқди. Етти йилдан сўнг ажрашдик. Чунки йигит умрим ўтиб борарди. Мен эса оилам ва фарзандларим бўлишини истардим.

**- Ҳозир қаерда яшайсиз?**

- Ҳозир Тошкентда яшайман. Ўқитувчилик қилаяпман. Уй-жойим йўқ, ижарада яшайман. Ичмайман,чекмайман. 50 ёшлардаги, (қаердан бўлишининг ва миллатининг фарқи йўқ), бор-йўғимга кўнадиган аёл бўлса уйланмоқчи эдим.

* * *

**621** - **Ёшим 57 да.** Асли тошкентликман. Исмим Козимхон. Тўрт нафар фарзандларимизни уй-жойлик қилиб, роҳатини кўрамиз, деганимизда аёлим вафот этди. Тоғни урса талқон қилишга кучи етадиган эркак ёлғизлик балоси олдида ожиз бўлиб қоларкан. 30 йил давомида хотинимнинг касалини қаратиб, авайлаб яшадим.

**- Аёлингиз касал эдими?**

- Ҳа, иккинчи фарзандимиз туғилгандан сўнг соғлиғи ёмонлашди. Шифокорлар унга фарзанд кўргани сайин, соғлиғи ёмонлашишини айтишганди. Лекин аёлим болажон эди. Яна бир ўғил, бир қиз кўрганимиздан сўнг инсульт бўлиб, танасининг бир томони ишламай қолди. Елиб-югуриб бу касалини ҳам даволатиб, хотинимни оёққа турғиздим. Кенжамиз ўғил эди. Шу ўғлимнинг тўйини кўрай, деб илҳақ бўлди.

Шукр, аёлимга ўғлимизнинг тўйини ҳам, унинг икки нафар фарзандини кўриш ҳам насиб этди. Бутунлай ёлғизман, десам, ношукрлик қилган бўламан. Ўғлим, келиним ва икки набирам билан яшаймиз. Моддий томондан камчилигимиз йўқ. Умрим касал боқиш билан ўтган бўлса-да, ҳали унча кекса эмасман. Шу пайтгача меҳр кўрсатиб, яшадим, энди ўзим ҳам меҳр кўрсам, дейман-да... 45 ёшгача бўлган бир оқила, меҳрибон аёл билан ҳаётимни боғласам, бирга умр кечирсак, балки ҳаётимиз янада файзли, мазмунли кечган бўлармиди?..

* * *

**622** - **Ёшим 31 да.** Асли Қашқадарёданман. Ажрашганман. Исмим Манзура. Ҳозир Тошкент шаҳрида яшаб, шу ерда ишлайман. Фарзандсизлик гулдек оиламни пароканда қилиб юборди. Тошкентга ҳам шу сабабли келиб қолганман. Ажрашганимиздан сўнг бахтли кунларим ўтган жойларда яшаш оғир бўлди.

**- Нега ажрашгансиз?**

- Биттагина тирноққа зор бўлганим учун оилам бузилди. Қанча даволандим, лекин фойдаси бўлмади.. Начора! Эрим урмади, сўкмади, муроса қилди. Аёл борки бешиги бўш қолмасин экан! Мен бола қучищдек бахтга ета олмадим. Энди аёли вафот этган, болалари она меҳрига зор бир инсон бўлса турмушга чиқардим. Болаларига ўз боламдек меҳримни бериб, жонимнинг тўрида авайлаб катта қилган бўлардим.

* * *

**623** - **Ёшим 41 да.** Турмуш ўртоғим вафот этган. Бир ўғлим бор. Ишлайман. Янгийўлда яшаймиз. Эрим вафот этганидан кейин ота-онамнинг уйига қайтдим. Қайнонамнинг яна тўрт нафар ўғли бўлганлиги учун улардан уй талаб қила олмагандим.

**- Ҳозир кимнинг уйида яшаяпсиз?**

- Ота уйимизда акам яшар эди, кўчимни шу ерга олиб келдим. Бошқа борадиган жойим йўқ эди-да... Унинг уч нафар ўғли менинг ўғлим билан бирга ўйнаб катта бўлишди. Келинойимнинг қош-қовоғига қараб, йилларни ўтказиб юборибман. Акамнинг ўғиллари қаторида менинг Бобурим ҳам вояга етди. Яқинда акам келин туширмоқчи. Уй кичик, хоналар кам. Келинойим орқали у мени ё эрга тегишимни, ёки бирорта уй топиб кўчиб чиқишим кераклигини айттириб юборибди.

**- Таҳририятга келишдан мақсадингиз...**

- Бирорта ажрашган бўлса ҳам маънили, уй-жойли, ўғлимни турткиламайдиган эркак бўлса турмушга чиқсам, дегандим. Балки бу ишни аввалроқ қилишим керакмиди? Ёшроқ пайтимда акамдан тортиниб, ҳеч ким билан гаплашмагандим. Аммо, йиллар давомида ўз оилам бўлса қани эди, дея орзу қилганман. Эҳтимол ҳали ҳам кеч эмасдир, сиз нима дейсиз?

* * *

**624** - **32 ёшли** синглим бор. Бир ўғли бор. Уйим-жойим деб, шунча ҳаракат қилса-да, эри қадрига етмади. Ҳатто, отам олиб берган ҳовлини ҳам сотиб, пулини совуриб юборди,- дея гап бошлади изтироб билан ёнимда ўтирган аёл.

**- Келиштира олмадингларми?**

- Йўқ. Сира иложи бўлмади. Отам уйни куёвнинг номига олганди. Уйли бўлса тинчиб кетишар, деб ўйлагандик. Синглим Тошкентдаги нуфузли жойлардан бирида ишлайди. Жуда ақлли ва меҳнаткаш. 40 ёшгача бўлган, уй-жойли, жиддий эркак бўлса синглимни узатардик...

* * *

***Ҳа, азизлар! Муҳаббат, ишонч ва меҳр билан қурилган оиланг бўлиши, шу гўшада бахтиёр яшашга не етсин? “Чумчуқнинг ҳам ини бузилмасин!”,- деган гап бежиз айтилмаган. Лекин, оиласи бузилганларнинг ҳам бахтли бўлишга ҳаққи бор.***

***Биз юқорида суҳбатлашган инсонлар билан танишиб, оила қуришни истаганлар учун уларнинг манзиллари таҳририятда.***

**БАСИРА** тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 20:00.
Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 234-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 234-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 234-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1133. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10856
Навбатчи — Н. ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

2 3 4 5 6 7 8